ЎЗБЕКИСТОРН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРИТЕТИ

# ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

***(услубий тавсиялар)***



**Тошкент – 2007**



*Аннотация*

***Ушбу риола ёш педагоглар ва «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати» марказларида фаолият олиб борувчилар учун мўлжалланган бўлиб, рисолада асосан ёшларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятини ривожлантириш усуллари ва механизми ёритилган. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда педагогик- психологик ёндошувнинг ташкилий асосларини яратиш бўйича услубий тавсиялар берилган.***

**Муаллиф - ТошДПУ доктороронти МАНЗУРА Ҳамдамова**

**Такризчилар:**

**Тошкент – 2007**

# М У Н Д А Р И Ж А

**КИРИШ . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . . ... . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . 4**

**1.Ёшларни тарбиявий интеллектуал-ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . .6**

**2. Интеллектуал-ижодий салоҳиятни ривожлантириш механизмлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .11**

**3.Ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини ўрганишнинг тажрибадаги натижалари. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. .17**

**4.Таълим жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг педагогик ва психологик асосларини яратиш . . . . . . . .. . ..18**

**5.Ёшларнинг маънавий интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . ... . . . . . . . . . . . . .. .21**

**6. Ителлектуал ва ижодий сифатларнинг баркамол шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .29**

**7.Шахсни шакллантиришга таъсир эътувчи омиллар. . . . . . . . . . . . . . . 60**

**8.Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишида қобилият ва истеъдоднинг ўрни . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . . .. . . . . . . . 62**

**ХУЛОСА . .. . . . . . . . . . .. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .76**

**Адабиётлар рўйхати . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . 82**

**Иловалар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . ... . . . . . . . . . . .85**

## КИРИШ

Давлат тараққиёти ва жамият равнақи кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Чунки, илмий потенциали юқори даражада ривожланган мамлакат барча соҳаларда доимо илғор бўлади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлагинидек, Ватанимиз келажаги ислоҳатларнинг тақдири ва уларнинг натижалари, халқимизнинг билим даражаси давр талабига ва тарраққиётига қанчалик мослигига, қандай мутахассислар етказиб бериб, ўрнимизни эгаллашларига боғлиқдир. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбарияти таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаяпти. Шунга кўра, юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасидага кўтарилмоқда.

Юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга эришиш учун таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос талаблари мавжуд. **Биринчидан,** ўқувчи-талабаларнинг касбий билимларни ўзлаштириш даражаси давлат тармоқ таълим стандартлари талабларига мослигини таъминлаш. **Иккинчидан,** ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаоллигини давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалари доирасини тўлиқ қамраб олишга эришиш. Шунингдек, давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакалари доирасидан ташқари фундаментал ва ахборот технaлогияларига доир билимларни ўзлаштириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш билан юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш шартлари ҳисобланади.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойилларидан бири, таълимнинг устуворлиги –унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузидир.

“Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс- фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда  фуқаронинг энг асосий

конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи руёбга чиқарилади."[1]

***Интеллектуал*** – сўзининг луғавий маъноси ақлий жиҳатдан етуклик, фаҳм-фаросат, ақл-идрок, заковат, зукко яъни заковатли инсон, зукко бўлиш демакдир.

***Механизм*** - сўзи муайян бир мақсадни амалга оширувчи омиллар, факрторлар , тизимга, бир тартибли қолипга солиш, кетма-кетликни тўғри танлай билиш демакдир.

Ушбу методик тавсияномада ёшларни ақл заковотини ривожлантирувчи, зукко ва ижодий изланувчан бўлишини таъминловчи омиллар ҳақида фикрлар баён этилиб айтрим тавсиялар мушоҳада қилиш учун ўртага ташланади.

## 1.Ёшларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари

[1] И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тош.: "Шарк"нашрёти,1997,42-бет.

Маълумки, кейинги ўн йил ичида таълимни ислоҳ қилишда, миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш; таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий ахлоқий интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда жамоат ташкилотлари маҳаллалар , хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш ишлари жадал суратлар билан олиб борилди.

**Ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг маšсади:**

- ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва уни муҳофаза қилишдан иборатдир;

- илм-фан ва давлат ҳокимияти ҳамжиҳатлигидаги сай-ҳаракати, шунингдек таълим тизимини модернизация қилиш, интеллектуал заҳираларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш:

- интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантириш ишларини тартибга солиш;

- ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи психологик-педагогик ташкилий услубий асосларини яратиш.

Белигланган маšсадларни амалга ошириш учун қуйидаги ***1-вазифани*** белгилаб оламиз:

1. Иқтидорли ўқувчи-ёшларни излаш механизми, психологик-педагогик, ташкилий–услубий асосларини яратиш борасидаги камчиликларни аниқлаш.
2. Интеллектуал ижодий салоҳиятни оширишда тарбия жараёнининг хусусиятларини ўрганиш.
3. Ёшларнинг мустақил фаолият турларини ўрганиш.
4. Ёшларнинг маънавий интеллектуал ижодий қобилиятларини шакллантириш манбаларини яратиш.

5. Ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.

***Асосий 2-вазифа:***

- ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;
- фаннинг турли соҳаларидаги мутахассислар интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- таълим менежменти соҳасида иннавацион таклифларни ўрганиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичига мувофиқ уларни таълим тизимига тадбиқ этиш;
- бўлажак раҳбар кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва кўмаклашувчи юридик малакани (хорижий) ўрганиш ва меърий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш.

Бугунги кунда олиб борилаётган ижодий интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга оид барча ишларнинг сифат самарадорлиги талаб даражасида эмас. Жамият ва давлат олдидаги талаблардан келиб чиқиб, талабаларнинг олий таълим муассасаларидаги таҳсили давомида интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантириш ишларини муваффақиятли олиб бориш зарур. Бу эса тарбия жараёнига психологик-педагогик технологияларни қўллашни, замон талаби даражасида мутлақо янги тарбия тизимини яратишни талаб қилади.

Ҳар бир талабага, унинг шахсий хусусиятидан келиб чиқиб, унинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадидда таълим-тарбия жараёнига бирор психологик ёки педагогик услубни қўллаш мураккаб жараёндир. Лекин бу давр талабидир.

Муайян такомиллашган педагогик ёки психологик услубни қўллаш, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган мураккаб жараёнга қараганда – жараённинг ўзини лойиҳалаштириш энг қулай ва самарадор услубдир. Яъни ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш керак.

Талабаларга йўналтирилган тарбия тизими ўқитувчидан ёшларнинг интеллекетуал салоҳиятини ривожлантиришда тарбия услубиётларига алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни, жараёнга ижодий муҳитни олиб киришни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- интеллектуал ижодий ишлар жараёнида тўлиқ муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизлик таҳдидининг мавжудлиги;

- талаба тўқнашадиган ва баъан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятсиз курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири – бу фикрининг ўйлаганидек рўёбга чиқмаслигини англаш;

- талабалар кўпинча ўзининг дунёқараши, тасаввурининг қандай даражада кенглигидан келиб чиқиб, фикрлайди ҳамда бу фикрлашни мавжудликнинг ижобий, ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қила олмаслигидир.

Талабанинг ижодий интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш жараёнини шакллантиришда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши керак:

1) Интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни максимал даражада технократик бўлиши керак. Бунинг учун эса психологик ҳамда педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш керак;

2) Интеллектуал салоҳиятни шакллантиришни таълим-тарбия жараёнига сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологияларни илмий асослаш ва ишлаб чиқиш лозим;

3) Интеллектуал салоҳиятни шакллантирувчи тарбия жараёнининг дастлабки ҳолатда ижтимоий-психологик муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараённи мукаммал ишлаб чиқиш керак.

Талаба шахсининг шаклланиш жараёнига – жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормалари, ҳулқ нормалари, маънавий-маърифий қадриятларни сингдириш технологияларини яратиш кўпгина жиҳатдан якуний натижани таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда шахснинг ижтимоийлашувига ҳам эътиборни қаратсак:

1. Бошланғич жамоалашув ёки мослашув босқичи. Бунда талаба томонидан ижтимоий тажриба ўзлаштирилади, мослаштирилади ва қабул қилинади.

2. Индивидуаллашув босқичи. Бунда талабаларни ўз устида мустақил ишлашлари ва мустақил фирларини руёбга чиқаришда ўзининг мустақил фикрини билдириш истаги, жамоат хулқ нормаларига нисбатан ижобий ҳамда танқидий фикрлаш пайдо бўлади.

3. Интеграцион босқич. Талаба жамиятда ўзи ўрнини топиш, жамият ҳаётига киришиш, атрофдагиларга ижобий томондан танилиш, фаолиятда ўзини ижобий тарафдан кўрсатиш ҳаракатига тушади, яъни шахс сифатида ўзини танитиш истаги биринчи ўринга чиқади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар шахснинг ижодий изланиши, интеллектуал салоҳиятини кўтариш ҳаракатлари бирор ижтимоий гуруҳ ёки жамият томонидан қабул қилинса, интеграцион босқич мувоффақиятли ўтади. Мабодо бунинг акси бўлса, қуйидаги ҳолатлар келиб чиқади:

- талабада норозичилик кайфияти пайдо бўлиб, тушкунлик ҳолатига тушади;
- ўзи ҳаракатларини таҳлил қилиб, ўзини ўзгартиришга ҳаракат қилади;
- талаба ўзида ташкилотчилик, етакчилик, ўзини кўрсатиш каби ҳислатларни жиловлаб, мавжуд муҳитга мослашиш ҳаракатига тушади.

4. Ижтимоий фаолият босқичи. Бу босқич инсон балоғатга етган даврдан бошлаб, ҳаётининг охиригача давом этади. Шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни, яъни ўзининг интеллектуал салоҳиятини ташқи ва ички омиллар таъсирида шакллантириб боради. Бунда меҳнат жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳит катта аҳамиятга эга.

Юқорида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи барча омилларни қараб чиқдик. Табиийки, интеллектуал ижодий салоҳиятни шакллантириб уни ривожлантириб бориш учун, таълим-тарбия жараёнига бундай технологик ёндошув ўзига хос саволларни

келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, технологик асосда олий таълим муассасасида талабаларнинг тарбиявий жараёнини қандай ташкил этиш керак ? – деган савол юзага келиши муқаррардир. Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1) I-IV курс талабаларининг маълумотлар базасини яратиш. Маълумотлар базаси талаба шахсига тегишли барча маълумотларни қамраб олиши керак.

2) ОТМ даги ижтимоий муҳитнинг аниқ таҳлилини амалга ошириш. Айнан муҳит қандай даражада эканлиги талаба тарбиясига, унинг интеллектуал ижодий салоҳиятининг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Муҳит таҳлили қуйидаги кўринишда амалга оширилиши керак:

- мавжуд ижтимоий муҳитнинг асл ҳолатини, интеллектуал салоҳиятни ривожлантирувчи ҳаракатларини аниқлаш;
- профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳитга муносабатини аниқлаш;
- талабаларнинг ижтимоий муҳитга, ОТМ раҳбарияти олиб бораётган фаолиятга муносабатини аниқлаш;
- талабалар орасидаги ижтимоий фикрни аниқлаш;
- юзага келаётган ва ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш.

3) Талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини оширувчи аниқ режа ва дастурини ишлаб чиқиш. Муҳит таҳлили асосида мазкур режа ва дастурда 1-навбатда бажарилиши керак бўлган долзарб ишларни белгилаб олиш керак. Бунда қуйидагилар аниқ кўрсатилиши лозим:

- факультетлар амалга оширадиган ижодий ва тарбиявий ишлар;
- талабалар уйида амалга ошириладиган интеллектуал мусобақа ва ижодий ишлар;
- жамоат ташкилаотлари, турли жамғармалар ва ҳомий ташкилотлар билан амалга ошириладиган ишлар;
- ОТМ, факультетлар, кафедралар миқёсидаги тадбирлар;

- талабалар ўзини-ўзи бошқаруви амалга оширадиган ишлар;
- талабаларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ишлари;
- салбий оқимлар, зарарли ғояларга қарши кураш муҳитни шакллантириш.

4) Талабаларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш жараёнининг мониторингини яратиш. Амалга ошириладиган барча ишларнинг ягона мониторингини шакллантириш орқали, жараённи бевосита кузатиш имкони юзага келади. Бундан ташқари жараённинг боришини таҳлил қилиш мумкин.

5) Жараёнга қўшимча ўзгартиришлар киритиш дастури. Мониторинг натижасида жараёнга тегишли ишларнинг қандай даражада бажарилишидан келиб чиқиб, жорий ўзгартиришларни амалга ошириш керак. Шу мақсадда қўшимча ўзгартиришлар дастурини ишлаб чиқиш мумкин. Бу дастур коррекцион аҳамиятга эга бўлиб, жараён самарадорлиги ва иш сифатини янада кўтаришга қаратилади.

## 2. Интеллектуал-ижодий салоҳиятни ривожлантириш механизмлари

Ёшларни интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантиришда тарбиянинг аҳамияти муҳим роль ўйнайди. Интеллектуал ижодий салоҳиятни ошириш учун тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради. Ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш жараёнида ўқувчиларда жамиятга наф келтирадиган, шахсга қўйиладиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва кўникма ҳосил қилинади. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, дунё қараши ва иродасига тизимли, мунтазам таъсир этиб борилади. Ижодий салоҳиятни ривожлантириш жараёнида булардан бирортаси эътибордан четда қолса, кўзланган мақсадга эришиш қийинлашади. Мана шу психологик жиҳатларни эътиборга олингандагина ёшларнинг интеллектуал

ижодий қобилиятларини шакллантириб уни ривожлантришга имкон яратилади. Ёшларнинг интеллектуал ижодий қобилиятларини шакллантириш ва уни ривожлантириш манбаларини қуйидаги 1-шаклда ифодалаб берамиз:

Чизма-1




Таълим-тарбия бериш жараёнида таълимнинг маълум бир мақсадга қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёни ёшларнинг интеллектуал ижодий қобилиятларини шакллантирмасдан туриб уларни ижодий ривожлантириб бўлмайди.

Талабаларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи ҳар қандай мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва кетма-кет бажариладиган усуллар белгилаб олинади:

1.Ўқувчи-талабаларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини шакллантирувчи ҳислатларини уйғотиш ва ривожлантириш режалаштирилади.

2.Мана шу ҳислатларни ривожлантиришни амалга оширувчи усулларни яратиш ёки интеллектуал ижодий салоҳиятни ошириб боришга хизмат қилувчи манбалар излаб топилади.

3.Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлатиш режалаштирилади.

Мана шундай режага солиниб олиб бориладиган ишларни амалга ошириш таълим-тарбия тизими жараёнида ҳам ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириб боради, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолиятини ошириб боради.

Чизма-2

| Интеллектуал ижодий салоҳиятни оширишда тарбия жараёнининг хусусиятлари | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Кўп қиррали жараён | Узоқ муддат давом этадиган жараён | Яхлит ҳолда амалга оширилади | Ёшларнинг фаоллиги, икки томонлама хусусият | Қарама-қаршиликларнинг кўплиги |
| Кўп қиррали жараёнда ўқув маскани, оила, маҳалла ва кенг жамоат-чилик, кино, театр, телевидение, адабиёт ва санъат иштирок этади. | Бу жараёнга боланинг туғма истеъдоди киради. Бу хусусиятда таълимдан фаркли равишда у бола туғилганидан бошланади, мактаб даврида, ундан кейин, ва бутун умр давом этади. | Интеллектуал ижодий салоҳиятнинг таълимдан фарқлантирув-чи хусусияти яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга оширилади.Бун да тарбиянинг турлари бир-бири билан узвий боғланган. | Бунга ёшлар-нинг туғма истеъдоди ҳамда олган билимлари асосидаги интеллектуал ижодий салоҳияти киради. Бу жараён икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бунда боланинг ўзи ҳам фаол иштирок этади. | Бу карама –қарши-ликлар болаларда ўз тушунчаларига мувофиқ дастлабки пайдо бўлган интеллектуал ижодий салоҳият билан таълим-тарбия томонидан таркиб топтири-лаётган сифатлар ўртасида ўқувчи-ларга қўйилган талаблар билан уни бажариш имкони-ятлари ўртасидаги курашларда намоён бўлади. |

Ёшларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятини ривожлантиришни тўғри йўлга қўйиш учун ўқувчи-талабалар ижодий фаолиятини амалга оширувчи тадбирларни белгилаб уларни икки гуруҳга ажратамиз:

### *1. «Интеллектуаллар» гуруҳи*

1) «Заковат», «Иқтидор», «Имкон» каби интеллектуал ўйинларни ўтказиш;

2) «Энг яхши тарихчи, математик, дастурловчи, физик, биолог, филолог ... ва ҳоказо» номларда танловлар ўтказиш;

3) илмий йўналишдаги ишларни ташкил этиш, илмий анжуманлар ўтказиш;

4) «Ёш дастурловчилар», «Ёш астрономлар», «Ёш ихтирочилар», «Ёш конструкторлар», «Ёш техниклар», «Ёш радиотехниклар», «Ёш иқтисодчилар» каби клубларни тузиш.

### *2.«Ижодкор ва истеъдодли ёшлар» гуруҳи*

1) «Энг яхши шеър, расм, фото, кашта, сўзана ва ҳоказо» номларда танловлар ўтказиш;

2) «Қувноқлар ва Зукколар» клублари жамоалари беллашувларини ўтказиш;

3) «Энг яхши ҳамшира, ҳисобчи, ошпаз, чилангар, сувчи, ҳосилот, теримчи ва ҳоказо» номларда танловлар ўтказиш;

4) «Ёш мусаввир», «Ёш мусиқашунос», «Ёш китобхон», «Ёш ижодкор» каби клубларни тузиш;

5) ижодкор ёшларнинг ижодий кечалари ва кўргазмаларини ташкил этиш;

6) умумхалқ байрамлари, Халқаро ва Миллий байрам кунлари муносабати билан тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7) Буюк мутафаккирларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган байрам кечаларини саҳнавий кўринишларини уюштириш;

8) Мустақил равишда бирор бир мавзуга бағишланган бадиий композициялар тайёрлаш;

9) Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларинининг ишини жонлантириш ва мусобақа тариқасида ўтказилишини ташкил этиш;

10) Ижодий ишлар мажмуасини оммалаштириш.

11) Энг яхши ижодкор талаба совринини ташкил этиш

12) Йил энг яхши истеъдодли талабаласи рукни остида кўрик танлов ташкил этиш.

Бундан ташқари ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини мунтазам ривожлантириш ишларини амалиятга тадбиқ этиш учун ҳар бир педагог ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини кузатиб бориши керак. Ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятири ривожлантириб бориш учун қуйидаги схемада берилган (3-шакл) усуллардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Чизма-3




Қуйида ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш усулларидан фойдаланиш ҳақида намуналар келтирамиз:

Ақл чарҳи машқларини ўтказиш: бунга турли ребуслар, красовордлар ечиш, шахмат ва шашка ўйинларини мусобақа шаклида ташкил этиш киради.

Ёш қаламкашлар тўгаракларини ўтказиш: бунга ёшларнинг ижодий маҳоратини, истеъдодини ошириб боришга қаратилган тадбирлари мажмуаси киради. Масалан, ёшлар орасида етишиб чиқаётган ёзувчи ва журналистик маҳоратга эса бўлган ёшлар билан ишлаш.

Чаққонлар ва эпчиллар спорт ўйинларини ўтказиш: бунга барча турдаги спорт мусобақаларини ўтказиш киради.

Мушоира, ғазалхонлик кўрик танловларини ўтказиш: бу усулга ёшларнинг шеър ва ғазаллар орқали ижод қилиши киради. Бунга “Шеър кечаси” тадбирларини қтказиш киради.

Қувноқлар ва зукколар танловларини ўтказиш: бу танлов орқали ёшларнинг санъат, театр ва рассомчиликка бўлган қизиқиши орттирилади ва зукколик маҳорати баҳоланади.

Устоз-шргирд ишларинитакомиллаштириш: бу усулни амалга ошириш учун энг яхши иш олиб бораётган шогирдлари ундан жуда мамнун ва миннатдор бўлган педагог-устознинг ишларини оммалаштирилади.

Албатта ёшларнинг ижодий барча ишларини ва истеъдодли маҳоратларини баҳолаш, уларни турли совға ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш мақсадга мувофиқдир.

## 3.Ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини ўрганишнинг тажрибадаги натижалари

Ёшларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятини ривожлантириш механизми ва психологик-педагогик, ташкилий-услубий асосларини яратиш бўйича қуйидаги тестли анкета саволлари тузилди ва ушбу саволномалар тузилди, ушбу саволлар бўйича олинган натижалар ўрганиб чиқилди:

***Саволнома:***

1. Интеллектуал ижодий салоҳият деганда нимани тушунасиз?

2. Ёшларни интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантиришга оид қандай ўқув адабиётларини биласиз?
3. Ёшларнинг интеллектуал ижодий-салорҳиятини ривожлантирувчи қандай психологик омилларни биласиз?
4. Ёшларни интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун қандай педагогик усуллар мавжуд?
5. Салоҳиятингизни ошириш учун кимлар билан кўпроқ мулоқотда бўласиз?
6. Интеллектуал илмий ва ижодий салоҳиятингизни ошириш учун қандай адабиётларни ўқийсиз?
7. Ёшларни интеллектуал ижодий-салоҳиятини ошириш учун қандай тадбирларни ўтказиш мумкин?
8. Интеллектуал ижодий-салоҳиятини ошириш тарбиянинг крни қанақа деб ўқлайсиз?
9. Интеллектуал салоҳиятни кўтариш учун сиз динга қандай қарайсиз?
10. Ижодий ва илмий ишларни амалга ошириш борасида нима ишлар олиб бораётирсиз?
11. Ҳар бир шахс интеллектуал ижодий-салоҳиятини ошириш учун нималар қилмоғи керак?
12. Интеллектуал ижодий-салоҳиятни ривожлантиришнинг ташкилий-услубий жиҳатларига нималар киради?

Ушбу саволномани тарқатиш ва керакли маълумотларни тўплаш жараёнида биз қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

- мутахассисларнинг фикрича мутахассислик фанлари бўйича интеиллектуал салоҳиятни ошириш учун дарсликлардаги манбалар етарли эмас;

- китоб ўқишдан мақсадим олган билимимни мустаҳкамлаш деб 80% киши жавоб бермоқда, бунда эса яратилаётган ҳар бир дарсликнинг сифатига аҳамият берилиши лозим;

- ёшларнинг дунёқараши билими ва истеъдодини қстириш, касб маҳоратини оширишга қаратилган методик тавсиялар яратиш;

- ёшларнинг билим ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун адабиёт ва бадиий санъат асарларини рамойиш этувчи тадбирларни амалга ошириш;

- чет тилларини ўрганиш орқали интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантириш учун ҳар бир халқ ва миллатнинг маданиятини ўргатувчи рисолалар яратишни йўлга қўйиш;

- ақлий қобилиятни ривожлантирувчи интеллектуал ринг ўйинлари ва ақл чархи машқлари мусобақаларини таълим жараёнида ва тарбиявий тадбирлар ўтказишда ташкил этиш;

- касбга йўналтирилган интеллектуал ижодий салоҳиятни ривожлантирувчи методик қўлланма, тавсия ва ўқув услубий рисолалар яратиш;

- коммуникацион ахборот ресурслари, интернет маълумотлари, кундалик матбуот янгиликлари ва хабарларидан фойдаланувчи тадбирларни мунтазам амалга ошириш;

- таълим бериш жараёнида дебат ва демократик мулоқот усулларидан фойдаланиб мавзунинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш;

- ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантиришни амалга оширишда турли хилдаги тарбия турларидан фойдаланиш, кўзланган мақсадни амалиётга жорий этишда тарбиявий усуллардан фойдаланишни назарда тутиш.

Касбий таълимда индивидуаллаштиришни таъминлаш, интеллектуал-ижодий салоҳиятни ривожлантириш, иқтидорли ўқувчи-ёшларни излаш механизми, психологик-педагогик, ташкилий–услубий асосларини яратиш бўйича тадқиқотларни турли йўналишда ўтказиш мумкин.

## 4.Таълим жараёнида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг педагогик ва психолгик асосларини яратиш

Ҳар бир фан ўқитувчиси  таълим бериш жараёнида талабаларнинг фанни ўзлаштириш жараёни билан қизиқишлари табиий ҳол албатта. Ёшларнинг фанни мукаммал ўзлаштириши, қўшимча саволлар билан мурожаат қилиши, янада чуқуррок билим олишга ҳаракат қилиши ҳар қандай устозни қувонтириши ҳам табиий ҳолдир. Лекин бу ҳол ҳар бир гуруҳдан икки ёки уч ўқувчи бўлиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки тўлақонли ўз онги,  ақл-заковати, зукколиги билан билим олишга ва ижод қилишга қизиқувчи  ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш ва дарс жараёнида унга амал қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Келажагимиз ёшлар қўлида..”. Дарҳақиқат, бугунги машшаққатли меҳнатимизнинг  маҳсулини келажак кўрсатади. Бугунги кунда иқтидорли, истеъдодли ёшларимиз ҳам кам эмас. Фақатгина биз уларни дарс жараёнида аниқлаб олишимиз ва уларни қизиқишларини инобатга олишимиз, ижодий салоҳиятга эришиши учун тўғри йўл-йўриқларни кўрсата олишимиз керак.

Бунинг учун ҳар бир талаба-ўқувчининг кундалик иш фаолиятини кузатишимиз ва ундан психологик-педагогик хулосаларни чиқариб ҳар бир ўқувчи билан индивидуал иш  олиб бориш учун уларнинг иш фаолиятининг турларини ўрганиб чиқиш ва ҳар бир талабанинг психологик дунёқараши бўйича маълум хулосаларга эга бўлишни мақсад қилиб қўймоғимиз лозим:

Чизма-4



Ёшларнинг умумий фаолият турларини бирма-бир ўрганмасдан туриб уларнинг ижодий салоҳиятига баҳо бера олмаймиз. Чунки, ўқувчилар ўрганилаётган фанни "аъло" ва "яхши" ўзлаштиришига қараб унинг истеъдодини баҳолашимиз ҳам нотўғри услубдир. Маълумки, бир йўналишни чуқур ўзлаштириб тор мутахассислик доирасида "аъло" бўлиб ихтисослиги бўйича ўқитилаётган фанларни яхши ўзлаштира олмаслиги мумкин. Бунинг учун барча таълим масканларида таҳсил бераётган устозларимиз ўз шогирдларининг ижодий салоҳияти ва маҳоратини ривожлантириш учун ўқувчининг интеллектуал сифатларини ўрганиши зарур бўлади:

Чизма-5




Ёшларнинг интеллектуал сифатларини ўрганган ҳолда улар билан мунтазам иш олиб бориш учун таълим жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланишни назарда тутиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари ҳар бир таълим масканида ўтказиладиган таълимий тадбирлар, танлов ва мусобақалар ҳам ёшларнинг илмий ва ижодий интеллектуал салоҳиятини оширишга жуда катта ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир устоз ўзи танлаган шогирдининг маҳоратини ошириб бориш учун барча усулларни қўллай

олиши,ўқув маскани маъмурияти томонидан ташкил этилаётган тадбирларни ўз вақтида мунтазам ўтказилишини ўрганиб бориши лозим. Кўрик-танлов, мусобақа, олимпиадалар ўтказишдаги демократик эркинлик, одилона ва оқилона боҳолаш, ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи омилларни илгари суриш барчамизнинг муҳим вазифаларимиздан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

## 5.Ёшларнинг интеллектуал сифатларини аниқлаш ва рағбатлантириш усуллари

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларида таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчилар эгаллаши мумкин бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минималдаражаси белгилаб берилган. Аммо бу билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида ёшларнинг интеллектуал имкониятларини ҳисобга олиб ташкил этилса, юқори самарадорлик таъминланади.

“Ёшларни тарбиялаш жараёни маънавий –интеллектуал ривожланиш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилган”[2].

Интеллектуал салоҳиятни ошириш ҳар бир болалнинг иқтидорига боғлиқ. Иқтидорли талабаларни аниқлаш уларнинг салоҳиятини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйишдан олдин, қандай бола иқтидорли бўлади?- деган савол туғилади, ушбу саволнинг жавобини барча баробар ўйлаш керак.

«Иқтидорли бола» сўзи ҳақида фикр юритишдан олдин, «иқтидор» тушунчасига тўхталиб ўтишимиз лозимдир. Иқтидор – бу инсонларга хос бўлган энг буюк фазилатлардан биридир. Инсон иқтидори ўзида барча инсоний фазилатларни, қобилиятларни, ҳислатларни ифодалайди ва мужассамлаштиради. Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда «Иқтидорли бола» тушунчасини қуйидагича ифодалашимиз мумкин.

---

[2] Ирагимов Х.И.Абдуллаева Ш.А.Педагогика.(ўқув қўлланма). Тошкент:”Фан” ,2004. 184-бет.

«Иқтидорли бола» деганда, бу аниқ мақсад сари интилувчи, юксак истеъдодга эга бўлган қобилиятли, шунингдек ўзининг дунё қарашига, маданий-маънавий фазилатларга, одоби ва аҳлоқий ҳислатларга эга бўлган, руҳан тетик, маънан ва жисмонан баркамол, замон билан ҳамнафас фикрлай оладиган, ўз қалбида ватанпарварлик ҳиссини жо қилган, ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзининг кучли иродаси билан фаолият юрита оладиган ёшларни тушунамиз.

«Истеъдодли бола» деганда эса, биз болага оллоҳ томонидан берилган истеъдодни, қобилиятни тушунишимиз керак.Истеъдод ва қобилият инсонда асосан туғма бўлади.

**Иқтидорли болаларни излаш ва аниқлаш тартиби қандай бўлиш керак?**

Болалар таълим маскани томонидан тузилган ички комиссиянинг махсус суҳбатидан ўтишлари лозим.

Бунинг учун улар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1) шахсий варақа , таржимаи ҳол.
2) синов дафтарчасидан кўчирма.
3) гуруҳ раҳбари томонидан тавсифнома.

**Таълим масканидаги иқтидорли болаларни мақсадли тайёрлаш қандай амалга оширилади?**

Ҳар бир таълим масканидаги иқтидорли болаларни мақсадли тайёрлаш қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- иқтидорли ўқувчилар сафига киритилган болаларга танланган йўналиш (мутахассислик фанлари) бўйича, чет тили, информатика, миллий истиқлол ғояси ва маънавият-маърифат асослари фанларидан кафедраларда тузилиб тасдиқланган махсус режа асосида қўшимча машғулотлар ташкил этилиши лозим:

- иқтидорли ўқувчиларни илмий мақолаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ўша таълим масканидаги рўзномаларда чоп этишга

кўмаклашилади, фундаментал илмий тадқиқот ишларига ва муаллифлик жамоаларига жалб қилинади;.

- иқтидорли талаба-ёшлар чет эл грантларига жалб қилинади ва хорижий давлатларга ўқишга юбориш ташкил этилади;

- иқтидорли ўқувчи-талабаларни Республика анжуманларида, фан олимпиадаларида иштирок этиши ташкил этилади ҳамда илмий тўгаракларга қатнашишини таъминланади;

- иқтидорли ўқувчилар сафидан Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияларига номзодлар тайёрланади.

**Таълим муассасасидаги иқтидорли ўқувчилариниг мажбуриятларига қуйидагилар киради:**

1. Чораклик ўзлаштириши ва сессияда юқори кўрсаткичларни эгаллаши;
2. Чет эл грантларига қатнашиши;
3. Илмий изланиши (мақола, тезис чоп қилдириши);
4. Қўшимча машғулотларга қатнашиши;
5. Талабалар фан олимпиадасига қатнашиши;
6. Президент ва атоқли шахслар номидаги Давлат стипендиялари танловларида қатнашиши.

Таълим масканларида иқтидорли талабалар мажбуриятининг бажарилиши ҳар ўқув йилининг феврал ойида аттестация ўтказиш орқали аниқланади. Аттестация натижаларига қараб иқтидорли талабаларнинг иқтидорлилар сафида қолиш қолмаслиги аниқланади. Ўзлаштириши 70, 75 баллдан паст бўлса, улар иқтидорли талабалар сафидан чиқариш мумкин.

Бирор сабабларга кўра Иқтидорли талабалар сафидан чиқарилган талабалар кейинги йилларда танловларда қатнашмайдилар.

**Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар билан ишлашни қуйидагича ташкил этиш мумкин:**

Университет иқтидорли талабалари 10 сентябргача қуйидаги ҳужжатларни аспирантура бўлимига топширадилар:

- синов дафтарчасидан кўчирма;
- тавсиянома;
- шахсий варақа, таржимаи ҳол.

Иқтидорли талабаларга бир ой муддат ичида илмий раҳбар тайинланади ва шахсий иш режаси тузилади.

Иқтидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида факультет ва кафедраларда қуйидаги иш қоғозларини юритиш керак:

- факультет, кафедралар бўйича иқтидорли талабалар рўйхати;
- факультетда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг Низоми ва иш режаси;
- иқтидорли талабанинг шахсий варақаси ва талабанинг факультет илмий кенгаши фармойиши билан тасдиқланган 1 йиллик шахсий ўқув ва илмий-ижодий иш режаси;
- илмий раҳбарларнинг иқтидорли талабалар бўйича берган тавсиялари ва унга илова этилган ҳужжатлар, фотосуратлар;
- конференция, олимпиада, танлов ўтказилишига оид ҳужжатлар

## Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларга бериладиган имтиёзлар

Иқтидорли талабаларни рағбатлантириш университетнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- стипендиясига қўшимча битта оддий стипендия белгиланади;
- университет стипендиясига тавсия қилинадилар;
- университет кутубхонаси ва интернетдан имтиёзли равишда фойдаланишга рухсат берилади;

- ёзда университет лагерига ва профилакториясига йўлланма берилади;
- Республика олимпиадалари, талабалар илмий ишлари кўригида юқори кўрсаткичларга эришган талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари университет томонидан белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

Танлов жараёнида энг мухим муаммолардан бири, бу номзодларнинг билимини, иктидорини имкон кадар тугри ва одилона бахолаш масаласидир. Шу боис, танлов мезонларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. ОТМлари иктидорли талабалар билан ишлаш булими томонидан куйидаги мезонлар ишлаб чикилиши лозим: НАМУНА:

| № | Танлов босқичлари | Саволлар миқдори ва мақолаларнинг қайси илмий журнал, тўплам ва газеталарда чоп қилинганлиги | Баҳолаш мезони | Жами тўплаган балл (100 фоиз миқдорида) |
|---|---|---|---|---|
| **1** | Чет тилидан тест | 36 та савол | Ҳар бир саволга 2 баллдан | 72 балл |
| **2** | Информатикадан тест | 36 та савол | Ҳар бир саволга 2 баллдан | 72 балл |
| **3** | Ўзбекистон тарихидан тест | 36 та савол | Ҳар бир саволга 2 баллдан | 72 балл |
| **4** | Мақолалар | а) Республикада чоп қилинадиган илмий журналларда | Ҳар бирига 5 баллдан | |
| | | б) Илмий тўпламларда | Ҳар бирига 5 баллдан | |
| | | в) Газета ва рўзномаларда | Ҳар бирига 5 баллдан | |
| **5** | Илмий лойиҳа, хўжалик шартномалари, ва халқаро грантларда қатнашганлиги | | Ҳар бирига 5 баллдан | |
| **6** | Чет тилидан оғзаки суҳбат | 1 та савол 4 мезонда баҳоланади: | 1. Саволга ижодий ёндашув | Ҳар бирига 5 баллдан 20 балл |
| | | | 2.Сўзларни грамматик тўғри жойлаштириш | |
| | | | 3. Сўз бойлиги | |
| | | | 4.Талаффузи ва ўзини тута билиши | |

**Юқоридаги мезонлар асосида тест олиш механизми қуйидагилардан иборат:**

«Иқтидорли талаба» мақомини олиш учун ўтказиладиган имтиҳон жараёни босқичлари замонавий компьютер технологиялари орқали амалга оширилади ва баҳоланади. «Иқтидорли талаба» мақомига номзод талабалар чет тили (инглиз тили, француз тили, немис тили), Информацион технологиялар ва Ўзбекистон тарихи фанларидан тузилган тестлар бўйича имтихон топширадилар. Ушбу фанлар бўйича тестлар компьютерларга махсус ишланган дастур орқали жойлаштирилади. Шунингдек, ушбу фанлар бўйича тест саволлари интернет орқали имтихон белгиланган вақтдан бир соат олдин олинади ва компьютер дастурига жойлаштирилади. Ҳар бир фан бўйича 20 та савол белгиланган бўлиб, жами 3 та фан 60 та саволдан иборат. Ҳар бир саволга 30 сония вақт берилади. Демак, имтихон 30 дақиқа давом этади. Талаба тест саволларига жавоб бериб бўлганидан кейин, ўзининг тест натижалари билан таниша олади. Имтихон жараёнини кузатиш учун махсус камера ўрнатилади ва ушбу камерадан кузатув ишлари олиб борилади.

Қолаверса, «Иқтидорли талаба» мақомига номзод талабаларнинг тест натижалари маълум бўлгандан кейин талабаларнинг тестлардан кўрсаткичлари қиёсий кўрсаткичга эга бўлганликларидан қатъий назар, улар университет маъмурияти томонидан тузилган махсус комиссиядан алоҳида-алоҳида суҳбатдан ўтказилади.

Бунда, махсус тузилган комиссия томонидан ҳар бир талабанинг дунё қараши, келажакдаги илмий режалари, қолаверса, нима учун айнан иқтидорли талаба мақомига эришиш учун ҳаракат қилаётганлиги ва мақсади очиқ мулоқот орқали аниқланади. Ушбу жараён университет маъмурияти томонидан махсус ўрнатилган камера технологиялари орқали тўғридан-тўғри эфирга бериб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, боғча ёшидан бошлаб болалардаги бор имкониятларини рўёбга чиқариш устида мунтазам ишланса, ҳар бир

боланинг интеллектуал имкониятларини ўстиришга ва уни амалга оширишга ҳисса қўшган бўламиз. Ёшларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг энг самарали йўли ўқувчиларда онгли билим, мустаҳкам кўникма ва малакаларни шаклланиш жараёнини уларнинг тарбияси билан бирга ташкил этишдир. Бу эса, ҳар бир ўқитувчидан ўз устида ишлаш,эртанги режани пухта тайёрлашни, тинимсиз изланишни,ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланишни: таълимий тадбирлар ва танловлар ташкил этиб дарс самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Ёшларнинг интеллектуал имониятларини рўёбга чиқариш уларнингбилим фаолиятнинг психологик-педагогик қонуниятларини чуқур билишни тақозо этади (4-5-шакл). Ёшларни маънавий интеллектуал шаклланиш сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбия жараёнига самарали ўзгартиришларни киритиб боради. Ўқувчи-талабаларнинг маънавий интеллектуал шаклланиш сифатлардаги ютуқ ва камчиликларни топиш, ютуғини рағбатлантириш, камчиликларни тузатиш ҳам тарбия мазмунининг усулларини такомиллашувига олиб келади. Бунда тарбия усуллари ва ташкилий шаклларини яхшилашга мос тузатишлар киритиш лозим бўлади. Ёшларга қўйилаётган талаблар уларни ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик шароитларини батафсил эмаслиги орасида тафовут борлигини кўрсатади. Бу масаланинг муҳим томони шундаки, мутахассислар оммавий тусда тайёрланганда, тарбиячи ўқитувчиларнинг ҳар бир бола билан индивидуал мулоқот қилишга вақти етмайди. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, талаба ёшларнинг интеллектуал ижодий салоҳиятини ҳамда маънавий интеллектуал салоҳиятини аниқлаш учун тест топшириқларини бажартириш усулларидан фойдаланиш яхши самара беради. Ёшларнинг маънавий интеллектуал ижодий салоҳиятини аниқлаш учун тест топшириқларининг қуйидаги шаклларидан фойдаланилади:

Чизма-6






Мана шу тест шаклларининг ижодий тест намунасидан фойдаланиш учун аввалан бор ўқувчи-талаба ёшларга қуйидагича саволларни муҳокама қилиб беришимиз лозим:

1. Сиз қандай мустақил ишларни бажаришни ёқтирасиз?

2. Сиз бирор бир ижод билан шуғулланасизми?

3. Бирор бир ижодий ишни бажаришингизга ким ёки нима ҳалақит бермоқда?

4.Ақлни чархлашнинг қайси усулларидан фойдаланасиз?

5. “Заковат” кўрсатувининг қайси жиҳатлари сизга маъқул? Бу кўрсатув ҳақидаги фикр ва мулоҳазалрингиз?

6. Сиз таҳсил олаётган таълим масканида қандай ижодий кечалар ўтказилади?

7. Сиз кимнинг ижодий фаолияти ёқади?

8. Сиз кимнинг ижодий фаолиятига тақлид қилишни яхши кўрасиз?

9. Бирор бир янгилик яратиш деганда сиз нималарни тушунасиз?

10. Сиз-у, биз яратаётган янгилик эртанги кунга қандай хизмат қилиши керак?

11. Сизни ижод қилишга кимдир ундамоқдами ёки ўз қизиқишингиз билан бирор бир ижодий ишга қўл урмоқдамисиз?

12. Чет эл ижодкорларининг тажрибаларига қандай қарайсиз?

13. Бирор нарсани яратиш, ихтиро қилиш деганда нималарни кўз олдингизга келтирасиз?

14. Ҳар бир ижодий фаолиятнинг жамиятдаги ўрни қандай?

15. Инсон ўзининг қобилияти ва маҳоратини қандай ишга солади?

## 6.Ителлектуал ва ижодий сифатларнинг баркамол шахсни ривожлантиришдаги аҳамияти

Шахснинг шаклланишида унга берилаётган таълим-тарбиянинг мазмуни, методлари ва воситалари боланинг ёш хусусиятларига мувофиқ қилиши муҳим саналади. ўқитувчи ўқувчиларнинг руҳий хусусиятлари билан бирга ёш хусусиятларини ҳам билиши, маълум ёшдаги ўқувчиларнинг диққат, хотира, тафаккур лаёқатларини инобатга олиш асосида фаолият ташкил этиш лозим. Шахснинг ақлий ва жисмоний камолотида доимо илгарига қараб ривожланиш рўй беради. Боланинг жисмоний ва руҳий камолоти қарор топиб борар экан, бир қанча босқичларни босиб ўтади.

Бола ва катталар ўртасидаги муомила фаол жараёндир. Мазкур жараёнда катталар фақатгина ўргатувчи бўлиб қолмасликлари лозим. Боланинг бу жараёндаги фаол иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият бериш керак. Шундагина у ўз ҳаракатларини ўзи ирода қилишга, ўз фаолияти мазмунини таҳлил қилишга ўрганади. Бола мустақил фикрлайди, ўйлаб иш тутади, унинг онги ўса бошлайди.

Тарбиянинг муваффақияти кўп жиҳатдан бола шахсининг ўзига хос хусусиятлари, у истиқомат қилаётган муҳитнинг таъсирини ҳисобга олишга боғлиқдир. Шуни ёдда тутиш керакки, бола мажбур бўлган микро муҳит мазмунини унинг ривожланишига таъсир этувчи кишилар ва улар билан ўрнатилган алоқа моҳияти белгилайди. Бола оила аъзолари, тарбиячи, ўқитувчи, ўртоқлари, оилага яқин кишилар билан муносабатда бўлади. Ушбу алоқалар боланинг ривожланишида ғоят муҳим роль ўйнайди. Болага уларнинг таъсири орқали муомалада бўлади. Ана шу муомала асосида бола аждодлар тажрибасини ўзлаштиради, ўзи учун андоза танлайди.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Шахс онгли фаолият билан шуғулланувчи ижтимоий мавжудот бўлиб, ижтимоий муносабатлар маҳсули саналади.

2. Шахснинг шаклланиши ирсий-ижтимоий омиллар ҳамда тарбияга боғлиқдир.

3. Шахснинг шаклланишида фаолият ўзига хос, муҳим хусусиятга эгадир. Зеро, шахс фаолият ёрдамидагина ижтимоий борлиқ билан бўладиган муносабатни йўлга қўяди, шу асосда унинг билиш қобилияти ривожланади.

4. Шахс жисмоний ва психологик жиҳатдан камол топиб борар экан, физиология, педагогика ва психология фанларида "ёш даврлари" деб номланган босқичларни босиб ўтади. Ёш даврлари шахснинг ёш ва психологик хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳланади: гўдаклик даври, ясли даври, мактабгача тарбия ёши, кичик мактаб ёши, ўсмирлик даври ва ўспиринлик даври.

Кичик ёш даври. Мактабгача тарбия ёшдаги боланинг тафаккури – аниқ тафаккур бўлиб, у нималарни идрок этса ёки тасаввур қилса, ўша нарсалар ҳақида фикр юритади. Шу боис бола учун мавҳум воқеа-ҳодисалар тўғрисида гапирилганда, уларнинг у аввал ўзлаштиришга муваффақ бўлган воқеа-ҳодисаларга нисбатан қиёслаб тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Атрофдагилар билан муомалада бўлиш асосида болада маънавий қараш шаклланади: эндиликда улар турли харакатларни "яхши", "ёмон" дея баҳолаб борадилар.

Бу даврда бола ҳаётида ўйин билан бирга фаолиятнинг бошқа турлари ҳам аҳамиятли бўлиб боради, дастлабки меҳнат кўникмалари ҳосила бўлади: расм чизади, лойдан, қумдан турли буюмлар ясайди. Шунингдек, улар катталар томонидан берилган оддий топшириқларни бажариб борадилар. Уларни кучлари етадиган ишларга жалб қилиш яхши самара беради.

Кичик мактаб ёшидаги 6 ва 7 ёшга тўлган бола (ушбу ёш бир нечта мутафаккир олимлар томонидан дастлабки "етуклик ёши" сифатида эътироф этилган) жисмоний ва руҳий хусусиятларига кўра мактабда таълим олиш учун тўла тайёрдир.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Республикамиздаги болаларнинг барчаси 6 ва 7 ёшдан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил ола бошлайдилар. Шу даврга қадар бола ҳаётида муҳим ўрин тутган ўйин фаолияти ўз ўрнини тизимли, узлуксиз равишда амалга ошириладиган ва мажбурий вақт асосида ташкил этилувчи ўқиш фаолиятига бўшатиб беради. 7 ёшли бола учун бундай “масъулиятли меҳнат”га ўтиш қийин кечсада, у аста-секин бундай шароитга кўника боради.

Кичик мактаб ёши ўқувчилари ижтимоий борлиқ ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлсалар ҳам, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билишга қизиқади. Мактабда ташкил этилаётган таълим жараёни боланинг ақлий фаолияти учун зарур бўлган фазилатларнинг таркиб топишини таъминлайди.

Кичик мактаб ўқувчиларининг бош мияси тез ўсиб бориб, унинг тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Уларда ўпка ривожланган, лекин нафас йўли ҳамда диафрагма бўш ривожланган, шу туфайли кичик ёшдаги ўқувчилар кўп вақт ҳаракатсиз қолсалар, организмнинг кислород билан таъминланиши ёмонлашади.

Жисмоний ўсишнинг бу каби хусусиятлари кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқитувчидан эҳтиёткорона ёндошувни талаб қилади. Уларни эркин қўйиш асабийлашишдан сақлаш зарур. Бу ёш ўқувчилари кўпроқ ҳаракат қилишлари, очиқ ҳавода бўлишлари, етарли даража дам олишлари, ухлашлари талаб этилади. Атрофдагилар бунинг учун ғамхўрлик қилишлари лозим. Уларнинг стол атрофида, партада тўғри ўтиришларига, ўринда текис (ўрин юмшоқ бўлмагани маъқул) ётишларига, қоматни тик туриб юришларига эътиборли бўлиши керак. Ўйин вақтида қалтис ҳаракат қилишдан уларни сақлаш зарур.

Кичик мактаб ўқувчиларида ихтиёрий диққат, хотира ва идрок, тафаккур, ихтиёрни идора қилиш, нутқ, ҳис-туйғу, ирода каби руҳий жараёнлар ривожланади. Шу боис улар билим олишга, ўрганишга интилувчан бўладилар. Атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг барчаси

уларни қизиқтиради. Ўқитувчи уларнинг қизиқишларини қондиришга ҳаракат қилишлари ва шу асосда ушбу қизиқишларни ривожлантириб боришлари керак.

Кичик мактаб ёши ўқувчиларининг фикрлаши образли бўлади. Шу боис уларга киноя, кесатиш самара бермайди. Ўқитиш кўргазмали қуроллар, воситалар ёрдамида ташкил этилиши керак. Материални тушунтиришда унинг образли, ифодавий бўлишига эришиш лозим. Уларнинг кайфиятига ўқишдаги ютуқлари, олган баҳолари, шунингдек, амалга оширган ижобий ишлари таъсир қилади. Шу боис ўқувчи томонидан унга берилаётган эътибор бола учун алоҳида қимматга эга. Унинг ҳар бир ҳаракати ўқитувчининг эътирозига сабаб бўлса, унда ўқиш истаги йўқолади. Мактаб таълимидан кўнгли совийди, ўқитувчидан қўрққанидан ёлғон гапира бошлайди. Бу ҳол доимий такрорланаверса, қўрқоқлик ва ёлғончилик унинг асосий ҳислати бўлиб қолади. Ўқитувчи танбеҳи оқилона бўлиб, бола шаънини ерга урмаслиги керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар турли муносабатларда бўлишга интиладилар, ўртоқлари билан алоқада турғунлик юзага келмаган, биргина ўртоқдан кўра, кўпчилик билан ўйнашини афзал кўрадилар.

Ўсмирлик даври. Ёшларни интеллектуал ривожлантиришда ўсмирлик даврига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шахс ривожланишидаги энг мураккаб давр бўлиб, у ўтиш даври деб ҳам аталади. Ўтиш даври болаликдан балоғат даврига ўтишни ифодалайди. Ўсмирлик ёшининг мураккаблиги унинг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятида рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ. Ўсмирнинг фаолиятида ўқиш муҳим ўрин тутади. Ўқиш одатдаги ишга айланиб қолганлиги учун ўқувчи-талабларнинг ортиб бораётганлигига ўсмир бефарқ муносабатда бўлади. Фанларни ўзлаштиришда қисман “пастлаш” ҳолати кузатилади. Аммо мустақил топшириқларни бажаришда ижодий фаолият кўрсатишда уларнинг зукколиги сезилади. Ўсмир интизомида салбий ҳолатлар кўрина бошлайди. Бу ҳол унинг мустақил бўлишига интилиши асосида юзага келади. Агар ўқитувчи ўқувчи хусусиятини яхши билмаса, қўйилаётган талабларда бирлик, яқинлик

бўлмаса ҳамда улар асослаб берилмаса, ўсмирда катталарга бўйсинмаслик каби салбий хусусиятлар қарор топади ва унинг характер хусусиятига айланади. Ўсмир ўқувчининг эътиборини ўқишдан ташқари ишлар ўзига жалб қилади.

Жамоат ишларига ўсмирларни фаол жалб этиш уларда ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик каби фазилатларни тартиблантиради. Ўсмир учун тенгдошларининг эътибори, жамоанинг фикри унга ота-она ва ўқитувчи фикридан ҳам кўпроқ таъсир қилади. Шунинг учун у тенгдошлари ўртасида обрў орттиришга, лидерликка интилади. Агар у ўзини ўқиш ва жамоа ишларида кўрсата олмаса, ёмон ҳулқли ўқувчи бўлиб танилишига ҳам рози. Бу эса аксарият ҳолларда ўсмирни криминал микромуҳитга томон етаклаб бориши ҳам мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олишда энг тўғри йўл-ҳар бир ўсмир учун ўз кучи ва имконятларига лойиқ жамоа топшириғининг ўзининг берилишидир. Шундагина ўсмир жамоа учун кераклигини англайди.

Ўсмирда ўз ҳис-туйғуларини идора қила олиш лаёқати энди-энди шакллана боради. Бу унинг ҳулқида намоён бўлади: ўзининг, ҳар нарсага жаҳли чиқиш, қўполлик ҳолатлари тез-тез юз беради. ўсмирларнинг бу хусусияти кўпроқ баҳс-мунозара жараёнида кўзга ташланади. Гарчи ўз фикри асосли бўлмасада, уни маъқуллашга уринади. 13-14 ёшларда ўсмирларда бурч ҳисси, масъулият туйғуси ўсади, бир мунча вазминлик пайдо бўла бошлайди. Бу даврда ўсмирда мақсадга интилиш, ўзи учун идеал танлаш истаги вужудга келади. Ўсмирларда ахлоқий эътиқод, қараш каби сифатлар таркиб топади. Ўсмир ҳаётида хаёл алоҳида роль ўйнайди. Ўқитувчининг вазифаларидан бири унинг хаёлий дунёсини мақсадли ишларга йўналтиришдан иборатдир.

Демак, ўсмир билан муносабатда бўлишда сабр-тоқат, вазминлик зарур. Унга мустақиллик бериш, буйруқ эмас, аксинча, маслаҳат бериш бу ёшдаги ўқувчиларни тўғри тарбиялашнинг гаровидир.

Ўспиринлик даври. Ўспиринлик даври жисмоний ўсишнинг тинч даври саналади. Шу боисдан ўсмирлардан фарқли равишда ўспиринлар

фаолиятида романтик ҳис-туйғулардан кўра кўпроқ реализм муҳим ўрин тутади. Ўспиринларда органларнинг таркиб топиши ва организм тўқинмаларидаги такомиллашиш ниҳоясига етади. Улар жисмоний кучини хушбичим ва соғлом бўлганликлари туфайли тетик ва қувноқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қиладилар. Ўспиринлар мия ҳужайраларининг тузилишида рўй берган такомиллашиш асаб тизими ва фаолият мазмунининг ўзгаришга олиб келади. Ўспирин фаолиятининг асосий тури ўқиш бўлиб қолаверади. Билимлар ҳажми кенгаяди. Улар ижтимоий муносабатлар, хусусан, оила, молиявий, маъмурий, хўжалик, меҳнат ҳамда жиноий фаолиятлар моҳиятини теран тушунишга интила бошлайдилар. Шу сабабли мазкур ёш даврида уларга ижтимоий-маънавий билимларни бериш мақсадига мувофиқдир. Ўспирин назарий-маълумотлар мазмунини таҳлил эта олиш имконига ҳам эга. Оилавий, хўжалик, олди-сотти характердаги муносабатларни ташкил этиш, маиший ва алоқа хизматлари, шунингдек, жамоат транспортидан фойдаланиш чоғида уларда ижтимоий билимларни эгаллашга нисбатан эҳтиёж ва қизиқиш ҳосил бўлади. Эҳтиёж ҳамда қизиқиш ўз-ўзидан ижтимоий фаолиятни ташкил этишга бўлган рағбатни юзага келтиради.

Ўспирин ижтимоий муносабатлар моҳиятини англашга, улар ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга интилар экан, уларда ахлоқий (маънавий) тасаввур ва идрок ҳосил бўлади. Ихтиёрий ва барқарор диққат эса, уларнинг маънавий тафаккурининг шаклланишига имкон яратади, натижада улар ижтимоий муносабатлар борасида мантиқий ва асосли фикр юрита бошлайдилар.

Ўспирин ёши ўқувчилари турли ўқув предметларининг назарий ва методологик асосларини эгаллашга интиладилар, фанлараро алоқадорлик ва боғлиқлик хусусиятида фикр юрита бошлайдилар. Шу боис таълим ва тарбияни ташкил этишда фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиёт ва экология асослари, меҳнат ҳамда ҳарбий таълим каби предмет ва махсус курслар доирасида иқтисодий, экологик, меҳнат ва ҳарбий фаолиятларининг маънавий асослари, оқибатлари тўғрисидаги

маълумотларининг беришини ўспиринларда маънавий саводхонликнинг вужудга келишини таъминлайди.

Ўспиринларда шахсий фаолиятни ташкил этишда мустақилликка интилиш яққол кўзга ташланади, бу эса уларда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ўзлаштиришда ижтимоий фаоллик кўрсатиш эҳтиёжини юзага келтиради. Уларнинг ўқувчилар ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари фаолиятидаги иштироки ана шу эҳтиёжни қондириш йўлида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ўспиринларнинг илм-фан, сиёсат, тезника, спорт, санъат олами билан боғлиқ қизиқишлари даражасини инобатга олиб оммавий ахборот воситалари саҳифаларида ёритилган юқори қайд этилган соҳаларга оид ижтимоий мазмундаги хабар, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришда яхши самаралар беради.

Ўспирин ёши ўқувчилари ўзлари учун идеал танлашга интиладилар. Ушбу истакни рағбатлантириш мақсадига улар ўртасида адолат, эрк, одиллик тимсоли бўлган, элу-юрт тинчлиги, Ватан хавфсизлиги йўлида қурбон бўлган кишилар тўғрисидаги маълумотларни беришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўлларидаги муҳим омил бўлади. Ўспиринларнинг барча интилишлари муайян мақсад билан боғланади. Уларнинг кўпчилиги яхши хулқли инсон бўлиш, ватанга, халққа хизмат қилишга интиладилар. Аммо айрим ўспиринлар носоғлом муҳит таъсирига тушиб қоладилар, натижада улар шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўя бошлайдилар. Уларнинг характеридаги бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун тарбия ишида ўспириннинг ижобий фазилатига таяниб иш кўриш, уларга ишонч билдириш, уларни қўллаб-қувватлаш самарали натижа беради. Ўспиринларга ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини тўғри англатиш, уларнинг шахс эрки ва ҳуқуқларининг кафолати эканлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминлаш, фуқаролик эркинликлари ўспирин учун ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олиш гарови эканлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминлаш, ахлоқий меъёрлар

моҳиятини тўғри талқин этишларига эришиш мазкур ёш вакиллари ҳаётининг аянчли, фожиавий якун топмаслигига олиб келади.

Ўспирин шахсининг ривожланишида жамоа муҳим ўрин тутади. Жамоа ўспиринни ўзига жалб этар экан, унинг фикри, ўспиринга нисбатан кўрсатаётган муносабати катта аҳамиятга эга. Шу сабабли дарсдан ташқари шароитда ташкил этилаётган ижтимоий мазмундаги тарбиявий тадбирларни жамоа иштирокида ташкил этиш, ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари кучига таяниб, ўспиринга таъсир кўрсатиш яхши натижалар беради. Шунингдек, ўспирин шахсидаги катта ёшдаги, тажрибали ҳамда билимдон кишиларнинг мулоқотига интилиш каби хусусиятни инобатга олиб ана шундай кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш лозим. Ҳуқуқий тадбирларни уюштиришда жамоанинг бу борадаги имкониятини ҳисобга олиш кўп фойда келтиради. Ўспирин ўқувчилар ўртасида ижтимоий билимларни тарғиб этишда эркин мулоқот, баҳс ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар ўз фикрларини илгари суриш, уни ҳимоя қилиш лаёқатларини намоён этишга интиладилар. Улар ҳам ўсмирлар каби гоҳида фикрлари тўғри, асосли бўлмасада, унда қатъий туриб олишга уринадилар. Бу камчиликка барҳам бериш мақсадида ўқитувчилар томонидан ўспирин фикри, унинг позициясини диққат билан кузатиш, таҳлил этиш ҳамда ўспиринга ўз вақтида ёрдам беришга уриниш энг мақбул педагогик чора ҳисобланади.

Баркамол ижодкор ёшларни тарбиялаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

1. . Тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида юз берган камчиликларни ҳам тугатиш мумкин.

2. Тарбия инсон фаолиятининг истиқбол мақсадини белгилайди. Шу боис у шахс камолотини таъминлашда етакчи роль ўйнайди.

3.Инсоннинг маънавий ўсиши содир бўлади, муҳитни стихияли таъсири бера олмайдиган сифатлар шаклланади. Масалан, бола ўз она тилини атрофни ўраб турган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Лекин

ўқиш ва ёзишни махсус таълим йўли билангина ўрганади. Маълум билим, кўникма ва малакалар фақат тарбия жараёнида эгалланади.

4. Тарбия ёрдамида ҳатто кишининг баъзи туғма камчиликларини ҳам ижобий томонга ўзгартириш мумкин. Чунончи, баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан туғилади (кар, кўр, соқов ва ҳоказо). Лекин махсус ташкил этилган тарбия ёрдамида уларнинг ақли тўла тараққий қилади, туғма камчилиги бўлмаган кишилар билан баробар фаолиятда бўлиши мумкин.

Шахс - Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий моделида муҳим ўрин тутади ва шахснинг баркамоллиги, уни ўз касбини пухта эгаллаган мутахассис сифатида тарбиялашнинг самарали йўллари ҳақида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Ислоҳотларнинг амалга оширилаётган сифат босқичидаги муҳим вазифа ана шу мақсадни самарали технологиялар билан таъминлашни, бу эса, аввало воситалар, услубларни методологик таъминлашни талаб қилади. Зеро, воситасиз мақсад - ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

Бунда баркамол-ижодкор шахсни шакллантиришнинг методологияси бу кадрлар тайёрлаш миллий модели асосий тушунча ва тамойилларини талқин қилиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнларини илмий ўрганиш, ўзгартириш услублари мажмуаси, деган таъриф пайдо бўлади. Бу билан методология тушунчасига хос бўлиб келган назарийлик амалийлик билан боғланади.

Кадрлар тайёрлаш милий дастурининг тадбиқи кишининг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради. Зеро, ҳар бир инсон ўсмирлик, яъни вояга етиш арафасиданоқ жамиятда ўз ўрнини топа олиши ва белгилай билиши лозим. Акс ҳолда бу унинг ҳаёт йўлларида сарсон, мақсадсиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу эса ёшларнинг ўзига ишончини сўндириши, айрим ҳолларда жамиятда ўз ўрнини топа олмасликка, ўз фойдаси ва жамият фойдасини таъминлай олмаслигига сабаб бўлади. Демакким, унинг шахс бўлиб шаклланиши гумон бўлиб қолади. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга тадбиқ этиш билан ана шундай салбий оқибатларнинг олди

олинади. Кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятимизнинг кенг потенциал салоҳиятидан фойдаланишда катта аҳамиятга эга.

Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Одамлар оломон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз хулосаси, ўз меҳнати билан яшай бошлайди. Энг асосийси бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузуқ ғоялар, қуруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларни ўз танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч адаштира олмайди. Айнан шу ҳислатлар, миллий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган. Бу йўлда биринчи, лекин жуда муҳим қадамлар қўйилган. Кадрлар тайёрлаш милий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши халқаро жамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Негаки дунёнинг бугунги ривожи шундай бир мавқедаки, ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологиялардадир. Президент И.А.Каримов томонидан таъкидланган: «Куч – билим ва тафаккурда» деган ҳикмат бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

Бу ҳикматги амалга оширишда дастлаб «Баркамол авлод орзусини», яъни мақсадни қуйидагича ифодалаб олдик: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – баркамол авлодни тайёрлашнинг қонуний давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжати. Бунда **биринчидан**, миллий дастурни тўлиқ бажаришга эришиш, **иккинчидан**, бутун халқни мазкур сабабли ишга тўлиқ жалб қилиш, **учинчидан**, етилган муаммони ҳал этишда мазкур ишларнинг мазмун моҳиятига тушишга эришиш ва **тўртинчидан**, ҳар бир фуқаронинг белгиланган вазифаларининг бажарилишига ишонч ҳосил қилишга ва бу жараёнга муносиб ҳисса қўшишга иштирок этиш истагини борлигига эришиш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланган «Ижодкорлик ва

баркамол авлод орзуси»ни амалга ошириш учун куйидагиларга алоҳида эътибор бериш вазифалари белгилаб олинди:

Чизма-7




Мазкур асосларни эътиборга олиб, илмий билишнинг дедукция тамойили асосида баркамол шахсни шакллантиришни куйидагича ифодалаб ўтдик. Бунда шахс тарбиясини ростлаб туриш максадида мунтазам равишда илмий – услубий таъминотига эътибор берилиб борилди ва жамият тараккиётидаги муҳим ўзгаришлар бўйича ахборот таъминотига эътибор каратилиши лозимлиги аникланди.

Шу йўсиндаги олиб борилган таълим – тарбия охирида баркамол шахсга қўйилган талаб билан (мезон билан) тарбияланган шахсдаги

интелектуал салоҳияти солиштирилиб кўрилади ва мезон бўйича талаблар бажарилгандан кейин тайёр мутахассис «Меҳнат бозори»га йўлланма берилади.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда маълум бир мақсад белгилаб олинади, қонунлар қабул қилинади, дастурлар ва тадбирлар ишлаб чиқилади, режалар белгиланади ва булар ҳозирги талаб даражасида амалга оширилади. Демак, таълим-тарбия олдида лойиҳалаш, маълум педагогик тизимнинг амалга ошириладиган лойиҳаси, қурилиши педагогик технологиядир. Шу нуқтаи назардан қаралганда "шахсни шакллантириш" ҳам маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир. Яъни баркамол шахс тарбиясининг мақсади, мазмуни, тарбия методлари, шакллари ва воситалари мавжуд бўлиб, бу ҳам ўзига хос технологиядир.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда шаклланаётган педагогика назарияси ва амалиётида хам янгиликлар, изланишлар, муамоллар намоён бўлмоқда. Ана шундай муаммолардан бири баркамол шахсни шакллантириш технологиясини асослаш муаммосидир.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда маълум бир мақсад белгилаб олинади, унга эришишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қабул қилинади, дастурлар ва тадбирлар ишлаб чиқилади, режалар белгиланади. Демак, таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш олдидан маълум тизимда узвий лойиҳалаш, маълум педагогик тизимнининг амалга ошириладиган лойиҳаси, қурилиши педагогик технологиядир. Шу нуқтаи назардан қаралганда "баркамол-ижодкор шахсни шакллантириш" ҳам маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир. Яъни баркамол шахс тарбиясининг мақсади, мазмуни, тарбия методлари, шакллари ва воситалари мавжуд бўлиб, унинг ўзига хос технологияси мавжуд.

Таълим ислоҳотлари жараёнида салоҳиятли, эркин, ижодкор шахсни тарбиялаш ўта долзарб муамолардан бўлиб ҳисобланади. Чунки, ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ана шу жамиятни қурувчи ва унинг келажагига хизмат қилувчи, савияси юксак,

ҳозирги давр тараққиёти талабларига жавоб бера оладиган комил, ижодкор инсон ва малакали мутахасисларга боғлиқ.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ишлаб чиқилган таълим тизимининг миллий моделида ана шу муаммо – яъни, комил инсон ва мутахассис тайёрлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Юқорида фикрлардан кўриниб турибдики, баркамол, шахс деганда ватанпарвар, инсонпарвар, мустақил фикрлайдиган, онгли, ижордкор, изланувчан, янгиллика интилувчан етук инсон тушунилади. Демак, ҳозирга даврда ўзгаришлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юксак маданиятлилик, малака, онглилик, ижодкорлик, жамият ва халқ олдида ўз масулиятини ҳис эта оладиган шахсни тарбиялаши талаб этилади.

Демак, ижтимоий ҳаётда инсонни дунёни ўзгартирувчи, қудратли куч сифатида унинг манфаатларини ҳимоя қилган холда, кўп қиррали ижодий имкониятларини беқиёслигини тушунган тарзда инсон моҳиятини англаб етиш, унинг борлиғи, ҳаётда тутган ўрни ва ҳайёти маъносини очиб беришга муносабатнинг ўзгаришида намоён бўлмоқда.

Бу эса шахсни тарих, жамият ва ўз хаётининг объекти сифатида билиши шакллантириш ва ривожлантириш имкониятини вужудга келган бир шароитда инсонни ижодкор, эркин шахс сифатида шакллантришни тақозо этади.

Шунинг учун ҳозирги даврда шахсни тарбиялаш моделини Президентимиз таърифлари, мутафаккирларнинг илмий-назарий қарашларига асосланиб қуйидагича белгилашга ҳаракат қилдикки, бу пировард натижада таълим-тарбия тизимида баркамол-ижодкор шахс тарбиясининг бир бутун технологиясини ташкил қилади:

1. Шахс тарбияси.

2. Тарбиянинг таркибий қисмлари ақлий тарбия, маънавий-ахлоқий меҳнат тарбияси ва касбга қўллаш, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия, иқтисодий тарбия.

3. Тарбия мазмуни баркамол шахс эгаллаши зарур бўлган асосий хислатлар, фазилатлар.

4. Тарбия методлари муамоларини ҳал этиш, рағбатлантириш, ишонтириш, суҳбат-мунозара, ўрнак кўрсатиш, маъруза, тажриба-кузатиш, тушунтириш, ўгит-насиҳат, мажбур этиш ва бошқалар.

5. Тарбия воситалари миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўқув-тарбия жараёни, оила, маҳалла, анъана ва удумлар, оммавий ахборот воситалари, саёҳатлар, бадиий адабиёт ва бошқалар.

Баркамол инсон - бу ўзида маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, ақлан етук, юксак истеъдодли ва салоҳиятга эга бўлган маънавий жиҳатдан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган ижодкор шахс тушунилади. Замонавий таълим-тарбия тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири мана шундай шахсни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Шахснинг бу таърифи ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга ва амалда инсон шахси тарбиясининг эталони (намунаси) бўлиб ҳисобланиши ва таълим-тарбия тизимида баркамол шахс тарбияси технологиясига асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакат тараққиётини, халқнинг тинчлигини, ўзига бош мақсад қилиб олиб, мустақалликни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш борасида ўсиб келаётган авлодга эътиборни устивор вазифа деб белгилади.

Мустақил фикрлайдиган, ўз ҳуқуқ ва вазифаларини тўла англаган, ватанпарвар, фидоий, билимдон – янги онгга эга бўлган шахсни шакллантириш ислоҳат марказига қўйилди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, авваломбор, мавжуд таълим соҳасини чуқур таҳлили қилиш ва такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилди.

Таълим тизими соҳасида 1997 йига қадар маълум ишлар, янгиликлар амалга оширилди, чора – тадбирлар  ишлаб чиқилди. Бироқ, бу чора – тадбирлар давлатимиз олдида турган вазифаларни амалга оширишдаги талабларга тўла жавоб бера олмас эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йил Олий Мажлиснинг  IX сессиясида мустақиллик йилларида таълим соҳасида эришилган натижаларга танқидий ёндашиб, кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислоҳотлар зарурлигини асослаб берди.

Мазкур нутққа рамзий маънода «Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб ном берилган.

Ушбу тарихий сессияда И.А.Каримов халқимизга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини тақдим этди.

Президентнинг махсус Фармони билан кадрлар тайёрлаш, таълимни ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди ва Миллий дастур босқичма – босқич ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»  ўзининг илмий асосланганлиги, ноёблиги ва эртанги кунга –  XXI асрга мўлжалланганлиги билан ҳаётимизда ўз ўрнини топди, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди, ўрганилмоқда, тарғиб этилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ғояси, мақсади, фикрлар қамрови теранлиги билан катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Мазкур дастур, уни рўёбга чиқариш омиллари жамиятда замонавий таълимнинг юксак қадриятларини англаб етиш ҳиссини юзага келтиради. Бу қадриятлар баркамол шахсни шакллантиришга, мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожига ўз ижобий таъсирини ўтказмоқда ва бу жараён такомиллашиб бораверади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» ғоясига асосланади ва унга хизмат қилади. Мустақил шахсни шакллантириш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиб, бир томондан, барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг ва айниқса таълим тизими

мазмунининг такомиллаштирилишини, иккинчи томондан эса бевосита ушбу масалани амалга оширишни таъминловчи ягона тарбия тизимини барпо этиш лозимлигини тақоза этади.

Педагогик таълим ҳамда ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, бўлажак ўқитувчиларда миллий ғояни шакллантириш ҳамда уларда келажак авлодга ўз билим ва тажрибаларини бера олишга ишонч ҳамда маъсулият ҳиссини тарбиялашдан иборат бўлиши керак.

Педагогиканинг шахсга йўналтирилганлик ғояси бугунги кунда ўзининг кейинги ривожини топмоқда; ўсиб келаётган авлодни яшашга ўргатадиган, ахлоқий панд- насиҳат бериш билан чегараланувчи педагог педагог эмас, балки бола ҳаётини ўз ҳаётидай ҳис қила оладиган ҳамда унинг ички, маънавий – ахолқий, умуммаданий ўсишига кўмаклашадиган, болаларни қуршаган атроф муҳитини кенгайтира бориб, болалар ва катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига таъсир кўрсата бориб, ўзи ҳам ўсиб бораётган педагог-ҳақиқий педагогдир. Ўқувчи ёшларнинг онгида миллий ғояни шакллантириш ҳозирги педагогларнинг муҳим вазифасидир.

Шу боис, ҳақиқий педагог бугун нафақат билим доираси кенг мутахассис, балки юксак маданиятли, болалар ва ўсмирлар билан ҳамкорликда ишлашда ижодкор инсон бўлишига эришиш лозим.

Ижтимоий- гуманитар фанлар: ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи; бадиий, фалсафий, педагогик тафаккурнинг шакланиши, этнография, этногенез, адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа фанлар бўйича илмий – тадқиқотлар савиясини тубдан ўзгартириш, янги поғонага кўтариш, педагогика йўналишининг янги таълимоти, мазмуни, моҳиятини яратиш, янги илмий мактабини барпо этиш тақозо этилади. Тарихий меросни янги замонавий методологик асосда ўрганувчи ёш олимларни тайёрлашнинг принципиал янги илмий мактабини яратиш; болалар ва ёшлар учун илмий оммабоп ва ахборот-маълумот адабиётларни нашр этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилиши зарур.

Ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар жараёни, жамиятнинг тез ўзгариб бораётгани турмуш шароити, таълим тизимига таъсирчанлик ва тезкорлик хоссаларининг берилишини, яъни ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт талабларига жавоб бериш, шахс қобилияти ва истеъдодини ҳисобга олиш имконият ва шарт- шароитларини яратишни тақозо этади.

Таълим – тарбия ва касб - ҳунар дастурларининг таъсирчанлиги ва тезкорлгини таъминлаш таълим жараёнини табақалаштириш муаммоси билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги шароитда, сўзда эмас, ишда узлуксиз таълим тизимига таълимни табақалаштириш принцип ва механизмларини жорий этиш керак.

Баркамол шахс камол топиши кўп жиҳатдан унинг касбий маданий муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ. Касбий маданий муносабаларнинг иқтисодий, сиёсий, дипломатик ва бошқа муносабатлардан ўзига хос бўлган жиҳати шундаки, бу муносабат асосан аҳлоқий, ақлий, меҳнат, касбий, нафосат, экологик ва бошқа тарбия турлари билан синтезланади.Ўспирин ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини қуйидаги тартибда аниқлаш ҳам мумкин: Чизма-8

| **Ёшларнинг ижодий интеллектуал салоҳиятини аниқлаш тартиби** | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўзини – ўзи таҳлил эта олиши ва ўз ишига танқидий муносабатда бўлиши | Вақтини тақсимлай олиши ва ундан унумли фойдалана билиши | Эгаллаётган касби ҳаёт фаолиятида онг ва дунёқарашининг бойишига | Сўзи ва иши-нинг бирилги ҳамда улар ҳар доим бир-бири-ни тўлдириб боришини англаши | Ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олиши |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янги фикр ва ғоялар билан чиқиши; ижодкорликка интилиши; илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашиши. | Бозор муносабатлари ва янги мулкчилик шароитида ижодий фаолият кўрсата олиши | Касбий ва маданий камолатга олиб келишини англаши; ўқитувчилик касбини ижодий меҳнат эканлигини ҳис этиши; ўзининг касбий фазилатларини баҳолай олиши. | Таълим тарбия жараёнида ноанъанавийлик муносабатини қўллашга интилиши; замонавий педагогика ва ахборот технологиялари ни амалга тадбиқ эта олиши. | ўқув – методик ишларни янги технологик талаблар даражасида ўзлаштира олиши; соғлом авлод тарбиясига ўз ҳиссасини қўша олиши; ижтимоий буюртма ва таълим стандартлари талабларини бажара олиши. |

Ўқувчи-талабанинг эгаллаётган касбига қизиқиши шахсий бурчи ва маъсулиятининг шаклланиши, суҳбатлар ва баҳс мунозаралар жараёнида мулоқот маданиятининг шаклланиши жамоада, айниқса ўзаро шаклланиб келаётган зиддиятларни бартараф этишга ва шахслараро муносабатларнинг соғлом ҳамда демократик асосда ўтишига олиб келади. Маъсул шахслар ва раҳбарларнинг бўлажак мутахассислар билан бўладиган касбий-маданий муносабатларида учраши мумкин бўлган зиддиятли ва муаммоли вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш имкониятлари яратилади

Баркамол шахс касбий-маданий муносабатларининг шаклланишида самимийлик муҳим ўрин тутади. Самимий инсонларгина ўз касбини чин дилдан сева олади. Бундай инсонлар шахсий бурчини яхши англайди. ўз лавозимини суистеъмол қилмайди. Касбини севади ва ардоқлайди. ўқитувчилик касбида учраши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ўзини бағишлайди. Бундай касб эгалари фидоий, иймон – эътиқодли бўлади. ўз юртини, она – диётини дилдан яхши кўради. Касбини ардоқлаган, билимдон инсонлар, албатта, маданиятли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, касбий – маданий муносабатлар асосида миллий ғоя ва ғурур туради. Баркамол инсон шахс ва фуқаро сифатида ўз она тилини ҳамда миллат тарихини мукаммал билмоғи лозим. Ана шунда динни, урф-одатларни, маънавий ҳамда моддий қадриятларни эъзозлайди, ундан доимо фаҳрланади. Фахрланиш туйғуси соғлом фикр руҳида ўз шогирдларига

ўтади. Фикрларни ғоя даражасига кўтариш учун унинг таъсирчанлиги, салмоғи ва самарадорлигига эришиш лозим. ўзликни англаш ўқувчи ва талаба ёшларда ватанпарварлик ҳамда халқпарварлик туйғуларини шакллантиради, она- Ватанни ҳар хил ёвуз кучлардан омон сақлашга даъват этади.

Таълимни табақалаштириш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан биридир. У ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишлари, касб танлашидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Таълим – тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг ўзаро самарали таъсирини таъминловчи механизмлар ва шарт–шароитларни яратиш. Умуман олганда, ушбу тизимнинг барча таркибий қисмлари – оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат бирлашмалари, жамғармалар мавжуд. Бироқ биринчидан, уларнинг ўз ичидаги самарадорлик фаолиятини кўтариш, иккинчидан, самарали таъсирчанлик, яъни узвийлиги, бир – бирига йўналтирилган фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Таълим муассасларининг фаолиятини ижтимоий институтлар сифатида тубдан қайта кўриб чиқиш. Бунда, мактаб, лицей, коллеж, институтларни нафақат илм – фан маскани, балки ҳақиқий маданий – маърифий марказларга айлантириш. Улар маҳалла, оила, жамоат бирлашмалари (энг аввало, болалар ва ёшлар ташкилотлари) билан яқиндан алоқада бўлишлари шарт. Ушбу масканларда ижод қилиш руҳи ижтимоий фаоллик, шахсий иштирок, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, бир тарафдан, мустақил фикр юритувчи шахсни тарбиялашга, иккинчи тарафдан, янги ижтимоий муҳит, тафаккурнинг шакланишига олиб келади.

Миллий ғояни шакллантиришдаги муҳим йўналишлардан бири болалар ва ёшлар учун ўқув – методик, илмий оммабоп ва бадиий адабиётларнинг янги авлодини яратишдир. Мавжуд адабиётларга ҳар тарафлама илмий баҳо бериш орқали халқимизнинг бой ижтимоий-маданий, тарихий анъаналари, урф – одатлари ва умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирадиган

китоблар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётларни яратиш зарур. Бу ишга илм- фан, маданият ва санъат соҳасида энг кўзга кўринган намояндаларни жалб этиш зарур.

Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унитилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирилган илмий мероси, фалсафий қарашларни ҳар тарафлама ўрганиш ва тарғиб этиш даркор.

Мамлакат аҳолисининг умумий ва касбий маданиятини кўтариш мақсадида маданий – маърифий ишларнинг сифат даражасини яхшилиш. Бунда оммавий ахборот воситаларининг маърфий ишини фаоллаштириш муҳим. Болалар ва ёшлар учун тайёрланадиган телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларни «интеллектуаллаштириш ва маънавий – ахлоқий бойитиш» борасида улкан вазифалар амалга оширилиши лозим.

Шу муносабат билан Ватанимиз маданияти ва санъатининг таълим жараёнида қўлланилишини ривожлантириш, уни чет элда тарғиб қилиш, миллий ва халқаро конкурсларда санъатимиз намуналари билан иштирок этиш масалаларини кескин такомиллаштириш, истиқболда ёшларимизнинг бадиий ижодкорлигини ривожлантириш лозим.

Ёш авлодни миллий ғоя, миллий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш кечириш асосларини шакллантиришни назарда тутади. Ёш авлодда ҳаётий фаоллик, ахлоқ, инсонпарварликнинг юксак ғояларини тарбиялаш – жисмоний тарбия ва спортнинг шакллари, услуб ва воситаларини қўллашнинг устивор вазифалари бўлиши керак.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар, болалар спорт ҳаракатининг вужудга келаётгани, махсус жамғарма ташкил эитилиб, унинг фаолиятини шакллантириш. Шу мақсадларда спорт иншоатларининг қурилиши ва ишга туширилиши. ҳар бир туман, қишлоқ, маҳалла миқёсида барча болаларни спорт ҳаракатига жалб этилиши; мусобақаларда қатнашадиган ёшларнинг руҳияти, уларнинг байроғимизга бўлган муносабати, уни авайлаб қалбида

асраши, байроғимиз хилпираб кўтарилганда қувончдан, ғурурдан кўзга ёш келишидан кўриш мумкин.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, жамиятда янги онг, янги тафаккурга эга бўлган, миллий истиқлол ғояси негизида шаклланган шахснинг тарбияланиши мустақиллигимизни мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлади.

Хўш? Милилй модел асосида шаклланган баркамол шахс қандай сифатларга эга бўлади? деган савол туғилади. Шахснинг маълумот даражасига қарамай, юксак кўрсаткичларга эришуви унинг камолатидан дарак беради. ўз соҳасида касбий маҳоратини намойиш этиш етукликнинг юксак даражасини билдиради ва жамоатчилик фикрида илк из қолдиради. Ижодкорлиги, наваторлик таклифлари, ихтиролари соҳсидаги муваффақиятини ифодалаб, бетакрор шахс эканлигини исботлашга хизмат қилади. Ноёб касб соҳиби, ўткир қобилиятли, истеъдодли етук шахс шаклланганлиги ижтимоий – тарихий воқеалик сифатида юксак абҳоланади. Шахс камолатининг муҳим кўрсаткичи - субъектидир. Бу камолатга эришув ва ижтимоий – сиёсий етукликни намойиш қилишдир. Етук мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий – тарихий фикрловчи, сиёсатчилар, давлат раҳбарлари субъект босқичида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ушбу вазият оммавийлигига эришиш жамият тараққиётининг тезлаштириб, фидоий, толиқмас кишилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳар томонлама етук шаклланган, комил инсон ғояси инсониятнинг азалий орзуси бўлиб ҳисобланади ва ушбу даражага эришиш борлиқни, жамиятни билишнинг муҳим манбаи саналади. Миллий модел нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар томонлама камол топган шахс, ўз соҳаси бўйича малакали мутахассис даражасига эришади. Бунинг натижасида етук инсон ҳаёт ва фаолиятида ижтимоий – тарихий психологик намуна босқичига ўсиб ўтади, ўзининг салоҳияти билан соҳани тараққий эттириш манбаига айланади. Индивидуаллик намунаси миллий ва инсоний аҳамият

касб этади, тараққиётни ҳаракатлантирувчи механизми вазифасини бажаради. Бу даражадаги шахснинг хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- юксак ақл-заковатга эгалик, интеллектуал фаолиятда маҳсулдорлик;
- хулқ, фаолият, муомала жараёнларида ўз имкониятларини оқилона баҳолаш;
- ихтисосларaро билимдонлик комил инсон камолотининг юксак босўичи бўлиб, ҳозирги даврда бир неча соҳалар бўйича мукаммал билимларга, қарашларга эгалик билан характерланади;
- узлуксиз равишда янгиликларга интилувчанлик, ижодий ечимларни амалга оширишга қобиллик;
- ўз иқтидори ва ижодий салоҳиятини амалий ифодаланишини таъминлаш;
- ҳар бир ихтисос предметига оид қарашларда мукаммалликка, сермаҳсулликка ва динамизмга эришиш;
- ҳар томонлама ривожланган шахснинг навбатдаги камолот босўичи ақлий донишмандлик деб аталади. Ақлий донишмандлик ахлоқий маданият, юксак ҳис-туйғулар, муомала мароми, табиат ва жамият қоидаларига риоя қилиш, ахлоқий етуклик, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий онг кўринишларига оқилона ёндошиш.

Комил инсон шахсининг умум инсоний қадриятлари ёхуд ижобий ҳислатлари, ўзбек характеридаги ижобий ҳислатларни шакллантириш ва ривожлантириш технологияси қандай тузилади?

Проф. Б.Зиёмухаммадовнинг[3] фикрига кўра тўғри тарбияга молик умуминсоний ижодий ҳислатларни ва фазилатларии куйидагича деб тасаввур этиш мумкин:

**Биринчидан** ***ишбилармонлик ҳислатлар ва фазилатлари***: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳафсалалик, серҳаракатлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, инсофлилик, малакалилик, беками кўстлик, сифатлилик, эпчиллик, уддабуронлик, саранжом-сариштаалик, ботартиблилик, тадбиркорлилик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик ва бошқалар.

**Иккинчидан**, ***зукколик, идроклилик ҳислатлар ва фазилатлари***: зеҳнлилик, бомаънилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, асослилик, фаросатлилик, сезгирлик, заковат, топқирлик, лўндалик, далиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик ва бошқалар.

**Учинчидан,** ***собитлик ҳислатлар ва фазилатлари***: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, куйдипишдиллик, жўшқинлик, зардалилик, саботлилик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, эрксеварлик, жиддийлик, нафсини тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, одамохунлик, ўзини ирода эта билиш ва бошқалар.

**Т¢ртинчидан,** ***шахснинг умумий ҳислатлар ва фазилатлари:*** ёқимлик, кўркамлик, жозибадорлик, фусункорлик, басавлатлик, салобатлик, ривожланганлик, хурматга сазоворлик, шоироналик, руҳланганлик, улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

**Бешинчидан,** ***шахснинг ахлоқий ҳислатлар ва фазилатлари***: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, куюнчаклик, одамийлик, болажонлик, имонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик,

---

[3] Б.Зиёмухаммадов .Комилликка элтувчи китоб.“Турон-иқбол нашрёти”, Тошкент, 2006. 189-262бетлар

боадаблик, илтифотлик, очиқ юзлик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, хушахлоқлик, ҳажмиҳатлик ва бошқалар.

**Олтинчидан,** ***эҳтирослилик ҳислатлар ва фазилатлари***: некбинлилик, кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, ишонувчанлик, ҳаёлчанлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, мушфиқлик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, уятчанлик, ҳижолатлилик, иффатлилик ва бошқалар.

Чизма-9




Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг қай мақсадга йўналтириб, келиб чиқадиган муҳим вазифаларни бажаришга боғлиқ. Педагогика фанининг мақсади тарбиячи - ўқитувчиларнинг онгли фаолиятида ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унинг ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши танланган восита ва усулларининг қўлланиши натижасини кўра билиш каби тарбиячилик санъатини ўргатишга қаратилади.

*Бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялаш борасида республикамиз педагогика фанининг мақсадлари қуйидагилар билан белгиланади:*

- баркамол инсонни вояга етказиш муаммоларини мажмуавий тадқиқ этиш;
- Республикамизда таълим-тарбия самарадорлигини узлуксиз ошириб бориш ва жаҳон талаблари даражасида тараққий этишига эришиш;
- умуминсоний қадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафкурани шакллантириб бориш имконини яратиш;
- тарбияшунослик асосларини илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва унинг янги шаклларини жорий қилиш борасида изланишлар олиб бориш;
- бўлажак ўқитувчи ва тарбиячиларни баркамол авлодни шакллантириш учун талаб этиладиган билим ва кўникмалар билан қуроллантириш;
- узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш.

*Ушбу мақсадларга эришиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширилиши тақозо этилади:*

- комил инсон таркиб топтиришнинг қонуният, қоида ва зарурий сифатларини аниқлаш;

- педагогика - тарбияшунosликдаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги давр хусусий методикаси билан узвийлик муаммоларини ишлаб чиқиш ва педагогик технология қонунларига амал қилиш;

- таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларини таълим муассасалари амалий фаолияти билан боғлаб, бўлажак ўқитувчиларга ўргатиш;

- Шарқ ва ғарбда халқ яратган халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар, педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка

доир илғор ғояларини ўрганиб, таҳлил қилиб, комил инсон тарбиялаш жараёнини ўрганиш.

Болалар ижодини ўрганиш методи – мактаб ўқувчилари ижодини ҳамда уларнинг турли туман ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методалридан биридир. Иқтидорли ўқувчилар ақлий қобилиятлари, олижаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчанликлари билан ажралиб туради. Таълим қонунида ва миллий дастурида педагогика фани болалар ижодининг манбалари ва факторларини чуқур билишга ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўлларини кўрсатиб беришга қаратилган.

Статистика маълумотларини анализ ва синтез қилиш методи – педагогик тадқиқот керакли статистика маълумотларини маълум бир мақсад билан системали ўрганиш мустақил ўзбекистонда фан маданият, таълим-тарбияни тараққий этишига салмоқли ҳисса қўшади.

Анкеталар методи – ўқувчилардан сўраш усули бўлиб, у ўқувчилар жамоасининг маълумотлари тўғрисидаги керакли маълумотларни олиш учун уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун ва касбга йўллашни белгилаш учун махсус формада ишланган бўлмоғи лозим. Анкетада кўзланган мақсадга мувофиқ саволлари бўлиб, уларни жавобларидан педагогик натижалар келиб чиқмоғи лозим.

Ҳисоблаш математикаси ва кибернетика методлари – ҳозирги замон саноат ишлаб чиқариши фани ва техникасининг талаб ҳамда манфаатлари турмушда синалган техника воситаларини, ҳисоблаш математикаси ва кибернетика усулларини мактаб ишида ва педагогикада қўлланилишини талаб қилади. Педагогика кибернетика ўқув процессини ўқитиш, билим бериш жараёнини бошқаришнинг алоҳида формаси сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун педагогик жараён билан ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ўртасида катта фарқ бор. Педагогик

тадқиқотлардан кино овоз техникаси, фото, телевидение сингари техника воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради. Болалар учун қўшимча рағбатлантириш омилларини ҳосил қилади. Булар ўқитувчилар меҳнатини маълум мақсадда енгиллаштиради. Кўрсатилган воситаларнинг хар бири болаларнинг ёшини, ўқув фани ва педагогик жараён мукаммаллаштиради.

Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичларида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимни талаб қилинадиган даражаси ва сифатни, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиш ва барқарор ривожланишининг кафолатларини устуворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратиш педагогик тадқиқотни асосини ташкил этади.

Биз болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг энг муҳим назарий ва амалий жиҳатларини билишимиз керак. Бунинг учун аввало, қуйидаги психологик - педагогик муаммоларни тушуниб олмоғимиз лозим:

а) ўқувчи шахсининг психологик ривожланганлик даражаси;

б) ўқувчи шахсининг шаклланиши ва ўқув-меҳнат фаолияти мазмуни;

в) ўқувчи шахси табиатининг тавсифномаси ва ижтимоий-психологик хусусиятлари.

Мазкур муаммо бўйича чет эллар ҳамда Республикамизда бир қатор педагог олимлар иш олиб боришган.

Ўқувчи шахсининг психологик ривожланганлик даражасини тўла ёритиш учун биз унинг ривожланиш хусусиятлари борасида муайян маълумотларга эга бўлишимиз лозим. Инсоннинг физиологик ва руҳий ривожланиши бола ёшини даврийлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Инсон ривожланиши – бу унинг аъзоларини миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш жараёнидир. Ривожланиш натижаси – кишининг ҳам биологик ҳам ижтимоий мавжудлигидир. Биологик ривожланиш бу ўзида инсон аъзоларини биохимик, физиологик ва морфологик ўзгаришларини эса инсон онгининг маънавий ва ақлий камолотга эришиш жараёни саналади.

Материалистик фалсафа таълимоти нуқтаи назаридан, ривожланиш – бу йирик материя бўлиб, материя ҳаракатининг ўзига хослигидир. Бу ҳаракатда эскилари ўлиб, янгилари пайдо бўлаверади.

Инсон ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Инсон ривожланиши борасида бир қатор илмий назариялар мавжуд. Масалан, психолог олимлар – М.Г.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, З.Нишонова, В.Каримова ва бошқалар олий психологик ҳосиланинг маданий-тарихий ривожланиши назариясини илгари сурдилар. Қуйида ана шу назариянинг асосий жиҳатларини кўриб чиқамиз:

1. Ҳозирги замон кишисининг руҳияти ва ҳулқи икки жараён муносабатларининг биологик етилиш ва билиш натижасидир. ҳар икки жараён ҳам бола дунёга келиши билан пайдо бўлади ва ривожланиш йўлларида бир-бирлари билан амалий равишда уйғунлашади.

2. Ҳар қандай руҳий ҳосила ўз ирсияти бўйича туғма, табиий ёки маданий бўлади.

3. Белги ва қуроллардан фойдаланиш катталар томонидан болаларга дастлаб муносабат ва биргаликдаги ашёвий фаолиятни ташкил этиш чоғида кўрсатилади.

4. Тарихий-маданий жараёнда инсон турли туман қуролларни яратдики, уларнинг ичидан энг муҳимлари меҳнат қуроллари, тил ва саноқ тизимлари бўлиб, инсон улардан фойдаланиш сирларини ўрганиб олади.

5.Ёзувдан фойдаланиш турлари инсон идрок этишдан тортиб то фикрлай олиш вазифаларини бажара бошлади. Одамлар томонидан турли тарихий даврлар ижтимоий қуролнинг икки тури бунёд этилди. У бирининг ёрдамида (меҳнат қуроли) табиатга таъсир кўрсатса, бошқаси (белгилар тизими) билан ўзига ёрдам беради.

6. Меҳнат қуроллари ва таниш тизимларнинг амалий фаолиятда қўлланиши одамнинг бевосита руҳий жараёнидан бевосита руҳий жараёнга ўтишининг бошланишидир. Яъни, бошқарув воситаси сифатида худди шу қуроллар ва белгилар ишга тушади.

7. Таълим олиш болага ўз ҳулқи (фаолияти) ва руҳий жараёнлар (хат хотирани яхшилаш, унинг имкониятларини кенгайтириш, сўз эса идрок ва диққатни бошқариш воситаси)ни қурол ёки белгилар ёрдамида бошқаришда тажрибадай бўлиб туюлади.

8.Қуроллар ва белгилар дастлаб бошқаларнинг ҳулқ-атворини бошқариш воситаси бўлиб, кейинчалик болаларни тарбиялаш воситасига айланади.

Машҳур психолог  олим С.Л.Рубинштейн инсон ривожланиши хусусида ўзига хос ёндашувни илгари суради. Унда асосан инсон таълим ва тарбия жараёнида рўй берадиган таъсирларга тайёр ҳолда туғилар экан. Шу боис болалар катталар таъсирида ривожланиб, инсоният яратган маданият мазмунини эгаллаб боради. Бола ривожланмайди ҳам, тарбияланмайди ҳам, аксинча, тарбияланиб ва ўсиб ривожланади, яъни боланинг етилиши ва ривожланиши таълим ва тарбия жараёнида  намоён бўлади, ҳамда такомиллашади.

Ривожланиш ва таълим, ривожланиш ва тарбия бирлигига асосланган жараёнларнинг бир-бирига сиғишиб кетиши ягона тизимни ташкил этадики, унда сабаб ва оқибат тўхтовсиз қурилади, балки етилиш унга пойдевор яратади ва ўзи ҳам етилиш ва ривожланишга омил бўладию таълим олиш жараёнида боланинг қобилияти намоён бўлибгина қолмай, шаклланади ҳам. Худди шундай, тарбия ва таълим жараёнида рўй берадиган шаклланиш ва ўзгаришлар туфайли инсон характери қарор топади. Боланинг руҳий хусусияти муайян шарт-шароит, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнида юз берадиган ривожланишнинг натижаси ҳамдир. Қулай шароитнинг мавжудлиги боланинг ривожланишида самарали натижаларга олиб келади.

Ривожланиш жараёнининг ҳар бир ўтиш даври қуйидагича уч қонуний алмашувлар асосида кечади:

1. Фаолият олиб бораётган мазкур типнинг ўз кучини максимал даражада сарфлаши ва энг юқори даражага кўтарилиши.

2. Фаолиятнинг муайян ривожланиш даври.

3. Фаолиятнинг тўйиниши ва унинг бошқа жиҳатларининг (ашёвий ва коммуникатив) фаоллашуви.

Агар болаларнинг ривожланиш жараёнида етакчи фаолиятларни бир тизимга келтирсак қуйидаги тартиб юзага келади:

1. Боланинг илк, яъни, бир-уч ёшларидаги фаолиятида ижтимоий-маданий мақсадларга тўлиқ йўналтирилмаган турли ўйинчоқлар ва атрофдаги нарсалар билан овуниши ва катталар билан ўзаро суст муносабати.

2. Воқеий тимсолли ўйинлар – ўйин фаолиятида ижтимоий ҳодисаларни англатувчи ва қатнашчиларнинг тимсолли шаклдаги характерли жиҳатлари.

3. Ўқиш-ўрганиш фаолияти – ўқиш ва кичик мактаб ёши даврида (олти-етти ва ўн-ўн бир ёшгача) устунлик қилувчи ўзаро муносабатларни қўшиб олиб бориш.

4. Болалар ривожланишида аниқ кўзга ташланувчи икки давр мавжуд. Улардан биринчиси, илк болалик давридан мактабгача бўлган давр бўлиб, “уч йиллик инқироз деб аталса, иккинчиси кичик мактаб ёшидаги давр бўлиб, ўсмирликкача бўлган “ўсмирлик даврининг инқирози” деб номланади.

Ушбу даврлар боланинг бир ривожланиш даражасидан иккинчисига ўтиш даври ҳисобланади. Бу даврда болалар ўртасида таълим ва тарбия ишларини фаол олиб бориш керак. Аксарият кишиларнинг руҳий хусусият ва хулқий одатлари уларнинг сензетив ривожланиш даврида қарор топади. Болага педагогик таьсир кўрсатиш сензетив даврларда ўз самарасини беради. Бу ўқув-тарбия жараёнларининг асосий руҳий-педагогик шартидир. Тафаккур даражасига кўра бола мактаб ёшига етганда ўқув дастурлари талабларини бемалол бажара олади. ўқитишга руҳий жиҳатдан тайёрлаш айнан шу билан кифояланадию ривожланиш жараёнларида ҳис этиш, диққат, идрок, хотира, фикрлаш, қобилият каби шахсий хусусиятлар шаклланади. Бошланғич мактаб ёшида болада ўзини тута билиш, меҳнат ва ўқиш лаёқати, одамлар билан муносабат қила олиш кўникмалари етарли даражада ривожланган бўлиши керак.

Руҳий жараёнлар ва бола руҳиятидаги ўзгаришлар, чунончи, диққат ва хотира даражаси, тафаккур хусусиятлари сўз бойлиги ҳамда нутқнинг ривожланганлик даражаси ва бошқалар руҳий психологик ривожланишга таaллуқлидир.

Шахс ривожланишида фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар), мазмуни (мақсадга йўналтирилганлик, ҳаракатнинг онгли, режали бўлиши, самарадорлиги ва ҳ.к.), шунингдек, ахлоқ (муомала ҳамда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мазмуни), ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўйсуниш, ижтимоий бурчни англаш, унга нисбатан масъуллик каби хусусиятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатларнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутади. Шахс сифатларини англаш ва уларни тўғри аниқлаш учун уни турли муносабатлар жараёнида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, шахс ижтимоий муносабатлар маҳсули бўлиб, онгли фаолият билан шуғулланувчи ижтимоий мавжудотдир.

## 7.Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар

Ирсият – бу ота–она ва аждодларга хос бўлган биологик хусусият ва ўхшашликларнинг наслга (болага) ўтиш жараёнидир.Наслдан-наслга ўтадиган хусусиятларга қуйидагилар киради: анатомик-физиологик тузилиш (мисол учун, юз тузилиши), органлар ҳолати, қадди-қомат, асаб тизими хусусиятлари, тери, соч ҳамда кўзларнинг ранги. Шунингдек, нутқ, тафаккур, ихтиёрий ҳаракат ва амаллар, вертикал ҳолатда юриш, меҳнат (ижод) қилиш қобилияти ва бошқа қобилият аломатлари ҳам наслдан-наслга ўтади. қобилият аломатлари умумий хусусият касб этади, муайян меҳнат ёки ижод турига йўналтирилган эмас, инсон ҳаётининг илк даврларида у муайян фаолиятга мойилликни акс эттиради холос.

Физиология ва психология соҳасида олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишига, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас,

балки бирор-бир қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши учун манба бўлган – лаёқат билан туғилади. Лаёқат гўё “мудроқ” ҳолатда бўлиб, унинг “уйғотиши” - ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Шахс характерининг айрим кўринишларининг наслдан-наслга ўтиши хусусида ҳам қобилият нишоналарининг авлодлар тимсолида такрорланиши борасидаги фикрларни айтиш мумкин.

Шахс муайян ижтимоий тузум маҳсулидир. Унинг моҳиятини ижтимоий муносабатларнинг мажмуи ташкил этади ва у яшаётган ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарихий шароит белгилайди. Шахснинг ҳаётий фаолияти амалга ошадиган ижтимоий муҳит унга ёки ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий жамият шахс имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Бу жамиятнинг маънавий қиёфаси, унда ташкил этилаётган муносабатлар мазмуни ҳамда даражасига боғлиқ.

Муҳит деганда шахснинг шаклланишига таъсир этувчи ташқи олам (воқелик, ҳодисалар) мажмуи тушунилади. “Муҳит” тушунчаси ўзида географик-ҳудудий, ижтимоий ва микро муҳит (оила) хусусиятларини ифода этади.

Микромуҳит ўзида қисман ижтимоий муҳитни қиёфасини акс эттиради. Айни чоғда у нисбатан мустақилликка эга. Микромуҳит бу ижтимоий муҳитнинг бир қисми бўлиб, оила, мактаб, дўстлар, тенгқурлар, яқин кишилар ва шу каби унсурларни ўз ичига олади. Болани қуршаб турган муҳитда ижобий ва салбий, ривожлантирувчи (прогрессив) ва инқироз этувчи ҳодисалар мавжуд. Агар бола ўз туғма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса йўқ бўлиши ёки “мудроқ”лигича қолиб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари одоб, ахлоқ, хулқий сифатлар – шахснинг барча руҳий сифатлари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади.

Педагогика ва психология фанлари ижтимоий муҳит, унинг шахснинг шаклланиш жараёнига таъсири ролига алоҳида эътибор беради. Ижтимоий

воқеа ва ҳодисаларнинг шахс ривожига таъсири ғоят муҳим эканлигини таъкидлаган ҳолда, улар ижтимоий муҳит абадий эмас, у ижтимоий-тарихий қонуниятлар таъсири остида ўзгариб боради, дея таъкидлайдилар.

Оила муҳити – микромуҳит ҳам ўзига хос муҳим тарбиявий таъсирга эга. Шу боис мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган давр мобайнида оила муҳитининг шахс камолотида тутган ўрни ва роли масалалари чуқур таҳлил этилмоқда.

Оила муҳити ҳамда ижтимоий муҳит ўртасида ўзаро таъсир, икки томонлама алоқа мавжуд.

Мавжуд ижтимоий муҳит инсоннинг ўсиб бораётган онгига таъсир этади, ижтимоий тузум даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг шахсга нисбатан онгли таъсири ҳам шунчалик юқори бўлади. Ушбу таъсир ижтимоий жамиятдаги мавжуд тарбия тизими орқали амалга оширилади.

Тарбия - бирор мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, у муайян режа, дастур ғоялари асосида махсус касбий тайёргарликка эга бўлган кишилар томонда ташкил этилади.

Тарбия ижтимоий муҳит орқали келадиган тарбиявий таъсирларнинг барчаси билан боғлиқ ҳолда таъсир қилади. Бунда қулай, самарали омиллардан фойдаланади, салбий таъсирларнинг кучини маълум даражада камайтиради.

## 8.Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишида қобилият ва истеъдоднинг ўрни

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишида уларнинг туғма қобилят ва истеъдодининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Туғма қобилиятга эга бўлган ёшларимиз катталарнинг ҳар бир таълимий, тарбиявий ва касбий таълимотларини тез илғаб оладилар ва тез ўзлаштириб ҳаётга тадбиқ эта оладилар. Лекин бу қобилият ва истеъдод, барча ёшларимизга туғма талант насиб этавермайди. Шундай экан, қобилиятни шакллантириб бориш, ёшларнинг истеъдодини ошириб бориш биринчи навбатда педагогларимизга

ва кенг жамоатчилик зиммасига яъни оила, маҳалла, ўқув муассасалари ва корхона, ташкилот, устахона бошқарувчилари зиммасига тушади.

Истеъдод тушунчасининг асосий мазмуни “қобилият» деган тушунчани **ҳам** англатади.Бизнингча, амалиётда қўлланиладиган «қобилият» тушунчаси учта асосий қисмга эга.

**Биринчидан,** қобилият психологик ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, бир одамни бошқасидан фарқлайдиган қобилият тушунилади, барча одамлар хос бўлган қобилият ҳақида гап кетганда ҳеч ким бу иборани ишлатмайди. “Қобилият” сўзи марксизм-ленинизм асосчилари башора қилганидек бу - «Ҳар ким қобилиятига яраша» деган шиорда қўлланилган, холос.

**Иккинчидан,** қобилият ибораси умуман олганда одамдаги ўзига хос **ҳар қандай** турли хусусиятларни англатмай, балки фақат турли фаолиятларни бажаришда эришган муваффақиятига бо**ғлиқ** бўлган шахсга нисбатан қўлланилади. Масалан, баъзи одамлар шубҳасиз ўзига хос фазилатларга эга: жиззакилик, ланжлик, ялқовлик каби ҳусусиятларни одатда қобилият деб бўлмайди, чунки ҳар қандай фаолиятда ҳам ҳар доим муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

**Учинчидан,** «қобилият» тушунчаси айрим шахсларда, яъни унинг билими ёки билармонлигига қараб белгиланмайди. Кўпинча, педагог ўқувчининг фаолиятидан унча қониқмасада, лекин шунга қарамай яхши ўзлаштиролмаётган бола бошқа ўртоқларидан ортда қолмай фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилиши билан ўқитувчини хурсанд қилади. Педагог ўзининг норозилигини ўқувчи билан етарлича шуғулланамаслигини асослаб: ўқувчининг «қобилиятига эътибор бериб», ўқувчи билан кўпроқ шуғулланса билимни яхши ўзлаштира олиш қобилияти бор деган хулоса келади.

Ҳар қандай ёш ишчини ташкилий ишга номзодликка кўрсатиб ва бу кўрсатишни «яхши ташкилий қобилият» билан асослашади, албатта, «ташкилий қобилият»га эга бўлиш бу – «ташкилий маҳорат ва билармонлик»ка эга дегани эмас эканлиги ҳақида ўйлашмайди. Балки

аксинча бўлиб чиқиши ҳам мумкин: ҳали тажрибага эга бўлмаган ёш ходимни «ташкилий қобилияти»ни асослаб номзодликка кўрсатишганда балки у ҳали шу даврда етарли малака ва тажрибага эга бўлмаслиги мумкин-у, лекин ўзининг билимдонлик қобилияти туфайли тез орада малака ва тажриба орттириб, муваффақиятга эришиши ҳам мумкин.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, ҳаётда қобилият тушунчаси остида одатда мавжуд бўлган билим, маҳорат ва малакадан иборат бўлган, лекин, бу билим ва маҳоратларга тез ва осон эришишни англатадиган ўзига хос ҳусусиятлар кўзда тутилади.

Биз қобилиятни шахсни табиий имкониятлари деб тушунишимиз мумкин эмас, чунки, қобилиятни биз « ҳар бир инсоннинг ўзига хос психологик ҳусусиятлари» деб аниқладик, шунинг учун бу ҳар қандай шахсда мавжуд бўлган табиий хусусият деб хулоса чиқариш асло мумкин эмас. Табиий бўлиб фақат анатомо-физиологик ҳусусиятлар, яъни қобилиятнинг ривожи асосида ётган истеъдод бўлиши мумкин, қобилиятнинг ўзи ҳам доимий ривожланиш натижасида пайдо бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қобилият тушунчасини инсоннинг табиий хусусияти деб қабул қилмай, бироқ биз кўп ҳолларда қобилият ривожи асосида баъзи инсонларда табиий ҳусусият, яъни истеъдод ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Баъзида «ҳақиқий», «табиий», «табиатдан берилган» ва шунга ўхшаш сўзлар билан айтилганда - «табиий» тушунчаси, - қобилият тушунчаси билан амалий таҳлилда бир-бирига боғлиқ.

Кўп ҳолларда биз табиийликни истеъдод ривожи асосида ётган қобилиятни тушунамиз. Балки кимдир бирор жойда амалий сўз ишлатишда, у ёки бошқа бирор нарсани - табиий хусусиятни қобилият деб таъкидлаши мумкиндир. Гўдак туғилган вақтда мавжуд бўлган «гармоник ҳис» ёки «мусиқага бўлган туйғу» ҳақида ўйлаш даргумон. Эҳтимол, ҳар қандай идрокли инсон, туғилган дақиқадан бошлаб, музикага бўлган туйғу ёки

ўзаро ҳис-туйғунинг ривожи асосида фақат истеъдод нишоналари, қизиқиш ёки шунга ўхшаш туйғу мавжуд деб ўйлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, табиий истеъдод нишоналари ҳақида гап кетганда, биз ҳали мерос бўлиб қолган истеъдод нишоналари ҳақида сўзлаганимиз йўқ. Бу икки тушунчани бир-бирига тенглаштиришдаги якуний хулоса хатто ҳаддан ташқари кенг тарқалган. «Табиий» тушунчаси билан «мерос бўлиб қолган» тушунчаси бир хил маънони англатиши тахмин қилиниши, албатта, нотўғри. Чунки бола туғилишдан олдин она қорнида ривожланади. «Мерос» ва «мерос бўлиб қолган» тушунчалари, психологик адабиётда, фақат кўрсатилган б аждодлари белгиси мерос бўлиб қолган деб ўйласакда, ўшанда ҳам, тарбия ва ўқитишнинг тўғри натижаси эмаслигини кўрсатмоқчи бўлишса ҳам, ёки, баъзи организмнинг физиологик ёки биологик ҳусусиятлари бу белги билан жамланишини таҳмин қилишга ҳақиқий асос бўлади. «Мерос бўлиб қолган» тушунчаси, шундай қилиб, нафақат «табиий» сўзини, балки «биологик», «физиологик» ва шунга ўхшаш сўзларнинг синонимидир.

Бундай турдаги терминологиянинг тўғри ва аниқ эмаслиги асосий маънони билдиради. «Мерос бўлиб қолган» термини далилий аниқ тушунчасига эга, шунинг учун ҳам бу терминни катта эҳтиёткорлик билан, фақат айнан шундай тушунчани келтириш мумкин бўлган жиддий асослар бор жойда қўлланилади.

Таъкидлаш лозимки, қобилият ўзининг мавжудлиги билан динамик тушунчадир. Қобилият фақат ҳаракатда, фақат ривожланишда пайдо бўлади. Психологик жиҳатдан қобилият ҳақида, ўзининг ривожланишдан олдин мавжуд бўлганлигидек, ҳамда қобилият ўзининг тўла ривожига етиб, ўзининг ривожланиши тўхташи ҳақида сўзлаш асло мумкин эмас. Чунки қобилият доимий ривожланишда бўлиши керак.

Қобилият фақат ривожланишда мавжуд деб, биз бу ривожланишни у ёки бошқа амалий ёки назарий фаолият жараёнида амалга ошишини назардан четда қолдиршимиз мумкин эмас, албатта. Бундан хулоса

қилинадики, қобилият аниқ фаолиятдан ташқарида пайдо бўлмайди. Фақат уни психологик таҳлил йўли билан биз уларни бир- биридан ажрата оламиз. Қобилиятни аниқ фаолият бошланишидан олдин мавжуд ва фақат унинг якунида қўлланилади деган хулосага келиш асло мумкин эмас. Гўдакда абсолют эшитиш қобилияти товуш баландлигини билиш биринчи бор дунёга келишидан олдин мавжуд эмас. Унгача фақатгина анатомо-физиологик ҳақиқатдек истеъдод нишонаси мавжуд бўлган. Гап қобилият фаолиятда намоён бўлишида эмас, балки уларнинг шу фаолиятда яратилишидадир.

Қобилиятнинг ривожланиши, умуман ҳар қандай ривожланиш ҳам тўғри ўтмайди: унинг ҳаракат кучи зиддиятликнинг курашидир, шунинг учун ривожланишнинг ҳар хил босқичида қобилият ва қизиқишлар ўртасида зиддиятлар бўлиши мумкин. Лекин, бўлиши мумкин бўлган бундай зиддиятларни тан олиш, қизиқишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қобилиятдан мустақил ёки аксинча, қобилият – қизиқишлардан асло пайдо бўлмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, қобилият деб фақатгина у ёки бошқа фаолиятнинг бажарилишида муваффақиятга эришишдан иборат бўлишдангина эмас, балки ўзига хос психологик қобилиятни тан олиш керак. Бироқ, тўғридан-тўғри қандайдир фаолиятнинг муваффақиятли бажарилиш имконини аниқлайдиган, ўзгача бўлган қобилият эмас, балки фақат бу шахсда мавжуд бўлган қобилиятнинг ўзига хос бирлигидир.

Қобилият - одам психикасининг энг муҳим ҳусусиятларидан бири бўлиб, бу хусусиятларни хаддан ташқари кенг тўлдириш имкони оқибатида қандайдир бир қобилиятнинг нисбий заифлиги ҳаттоки шундай бу қобилият билан ҳаммасидан кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фаолиятнинг муваффақиятли бажариш имкони асло йўқ эмас. Бир шахсда қобилиятнинг етишмаслиги кенг ривожланган бошқа бир шахс билан ўрталарида жуда катта чегара қопланган бўлиши мумкин.

Айнан чегаранинг қоплашнинг имконияти ҳар ҳил: масалан, мусиқий истеъдод ва мусиқага ёки бирор бир шунга ўхшаш соҳага бўлган қобилият

билан боғланган фаолият истеъдод бўлмаса ҳар қандай урунишлар оқибатда омадсизликка олиб келиши муқаррар.

Бу фикрни тасдиқлаб беришимиз учун жуда оддий бир мисол келтириб берамиз. Ўзига хос мусиқага қобилияти бўлиб, бу қобилиятга эга шахснинг алоҳида бўлган овозининг баландлигини маълум бошқа бир овоз билан тенглаштирмай тўлиқ эшитиш бўлади. Абсолют эшитишда «табиий қобилиятнинг» аниқ кўриниб турган мисолни кўришга жиддий асослар, яъни қобилият асосида ётган табиий истеъдод нишоналари борлигидадир. Лекин, абсолют эшитишга эга бўлмаганларда алоҳида бўлган овозларнинг баландлигини билишини ишлаб чиқарса бўлади. Бу, абсолют эшитиш буларда яратилади дегани, лекин, абсолют эшитишнинг йўқлиги, бошқа қобилиятларга таянган ҳолда – нисбий эшитиш, тембр эшитиш ва шунга ўхшашлар, бошқа ҳолатларда абсолют эшитиш асосида амалга ошадиган маҳоратни ишлаб чиқариш деганидир. Номланаётган "абсолютлакаб" эшитишда бутунлай турлича булади, бирок амалий натижалар баъзи бир холларда бутунлай бир хил булиши ҳам мумкин. Товушлар бландлигини билишнинг психик механизмлари ҳақиқий абсолют эшитишда ва махсус ишлаб чикилган.

Кейин, алоҳида бўлган қобилият нафақат бирга ва бир- бирига боғлиқ бўлмасдан мавжудлигини эсда тутиш керак. Ҳар бир қобилият бошқа қобилиятларнинг борлиги ва тоифасининг ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради, ўзга сифатли характерга эга бўлади.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб, алоҳида бўлган қобилиятлардан бу инсоннинг у ёки бу бошқа фаолиятни муваффақиятли бажариш имкони ҳақидаги саволга тўғридан-тўғри ўтаолмаймиз. Бу ўтиш фақат бошқа, янада синтетик тушунча орқали амалга ошиши мумкин. Бу шундай тушунча бўлиб, қобилиятларнинг ўзига хос сифатли бирлиги бўлиб тушуниладиган, у ёки бу бошқа фаолиятнинг бажарилишида катта ёки кичик муваффақиятга эришиш имкониятига боғлиқ «истеъдод» ҳисобланади.

«Истеъдод» ва «қобилият» ўзига хос тушунчаларга эга, улардаги инсон ҳусусиятлари ҳар қандай амалий фаолият тақдим этаётган талаблар нуқтаи назаридан кўрилади. Шунинг учун истеъдод ҳақида ҳам умуман гапириш мумкин. Истеъдод шахснинг фақатгина нимагадир, қандайдир фаолиятига нисбатан айтилади. Бу «умумий истеъдод» ҳақидаги саволни кўриб чиқилишида ҳусусан муҳим аҳамиятга эга.

Айнан "иқтидорлик" тушунчасининг ичида зарурий шарт сифатида муайян амалий фаолиятдан иборат бўлган ўзаро боғлиқлик ушбу тушунчанинг тарихий характерини белгилаб беради. «Истеъдод» тушунчаси биологик хусусият деб қаралганда ўз мазмунини йўқотади. Истеъдод - англашимизча, бу ҳар қандай у ёки бу бошқа фаолият турларига киритилиши ва шубҳасиз ҳар бир муайян фаолиятнинг «муваффақиятли» бажарилишига жиддий равишда боғлиқлигидир.

Эксплуататорлик тузумидан социализмга ўтиш даври биринчи бор кишилик фаолиятининг ҳар хил турдаги энг катта бойлигини очди ва ҳаттоки «истеъдод» тушунчасидан ўша буржуаз илмининг “ўта билимдонлари” ҳам ажратолмаган чегара олиб ташланди.

Иқтидорлиликнинг у ёки бу бошқа махсус кўринишлардаги тушунчаларнинг мазмуни хам аҳамиятли тарзда ўзгаришга юз тутади, бу албатта тегишли фаолиятнинг ушбу даврда ва ушбу жамият формациясининг "мувоффақиятли" бажарилиш критерияларининг қанақалигига боғлиқ, албатта. «Мусиқий истеъдод» тушунчаси албатта, биз учун жиддий равишда бошқа мазмунга эга, бир овозли мусиқадан бошқа мусиқани билмайдиган халқлар ҳам бўлиши мумкин. Мусиқанинг тарихий ривожланиши мусиқий истеъдоднинг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Шундай қилиб, «истеъдод» тушунчаси аниқ, тарихий ривожланаётган ижтимоий меҳнат амалиёти услуби билан ўзаро боғланмаса хеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Яна бир муҳим томонини белгилаб қўямиз. Истеъдоддан фаолият муваффақиятли бажарилиши эмас, балки, фақат бу муваффақиятга эришиш

имконига боғлиқ. Саволнинг психологик томондан чегараланган тақдирда ҳам, биз айтишимиз керакки, ҳар қандай фаолиятни муваффақиятли бажарилиши учун нафақат истеъдод, яъни қобилиятнинг мувофиқ бирлиги, балки зарур маҳорат ва билармонлик ҳам талаб қилинади.

Шунга кўра, буржуа психологиясида кенг тарқалган "психологик ривожланиш чўққисига" эга бўлган иқтидорликнинг бир хил қаралишига қарши қатъий қаршилик кўрсатиш керак.

Қуйидаги иккита ҳолат ўртасида катта фарқ мавжуд "ушбу инсон ўзининг иқтидорлиги билан бундай фаолият турларини муваффақиятли бажариш имкониятига эга" ва "ушбу инсон ўзининг иқтидорлиги билан бундай фаолият турларига мослашган"лигидир.

Иқтидорлик фаолият танловини аниқлаб берувчи (синфли жамиятда у жуда катта бўлган кўпчиликда ва бу танловга умуман таъсир этмайди)ган ягона фактор ҳисобланмайди, шунингдек у фаолиятнинг бажарилиш мувоффакиятини аниқлаб берувчи ягона фактор бўлиб ҳам ҳисобланмайди.

Махсус қобилият (лотинчадан specialis - ўзгача) – шахснинг маълум турдаги фаолиятнинг муваффақиятли бажарилган имконлари бўлган психологик ҳолатнинг ўзига хослиги (мусиқий, саҳнага оид, адабий) ва шу кабилар. Уларнинг ривожи истеъдодга муносиб бўлиб, масалан, мусиқий хотира - қобилиятга таянади.

Вояга етиш яъни ёшга оид шаклланиш даври давомида махсус қобилиятнинг ривожишининг энг қулай даври ҳисобланади. Мусиқий қобилият учун боланинг беш ёшгача бўлган даври унинг истеъдодини белгилаш даври деб ҳисобланади.

Катта аҳамиятга эга бўлган истеъдод анатомик - физиологик асосда етарли даражада фарқланиши мумкин бўлган махсус қобилиятнинг тузилиши ҳисобланади. Шундай қилиб, махсус қобилият маълум даражаси (математик, бадиий ва ҳ.к.) ҳар қандай соғлом болада шаклланган бўлади. Шу билан, махсус ташкил қилинган ўқитиш шароитида боланинг қобилиятини йўналтириш ривожишида аниқ хулосалар мавжуд.

Биологик ривожланишнинг маълум даражадаги босқичда рўёбга чиққан психикани ўзи уларнинг мавжудлик шароитларига организмларнинг қийинчилик билан мослашишини таъминлаб унинг омилларидан бири сифатида бўлиб туради. Психика одамга ўтиб янги сифатли ижтимоий-тарихий қонунийликга боғланган тузилмага эга бўлади. Фаолият даражасида мунтазамликни сақлашда етакчилик қилиб, психика фаоллигини намоён бўлишининг олий асоси бўлиб ҳизмат қиладиган шахс тузилади.

**Қобилиянинг ривожланиши.**Қобилият деб биз ўзига хос психологик ҳусусиятни атаймиз, туғма ҳусусиятлар эса фақат анатомо-физеологик бўлиши мумкин. Шунинг учун илмий таҳлилда туғма қобилият ҳақида сўзлаш мумкин эмас. Табиий бўлиб фақат истеъдод, яъни анатомо-физиологик ривожланиш асосида ётган ўзига хос ҳусусиятида, қобилиятларнинг ўзи эса ҳар доим ривожланиш натижаси ўқув ва тарбия жараёнида биринчи навбатда амалга ошади.

Масалан, инсон аслига мувофиқ бўлган маъно сўзида «табиатдан берилган» мусиқа эшитиш қобилиятига эга бўлиши мумкин эмас, балки унинг фақат «табиатдан берилган» ривожига бўлган нишоналарга эга бўлиши мумкин. “Табиий қобилият” ҳақида гапириб, биз ҳар доим қобилиятларнинг ўз табиийлигини эмас, балки уларнинг нишоналарини ривожланиш асосида бўлганини назарда тутишимиз керак.

Қобилият фақат ҳаракатда, ривожланишда мавжуд. Бу ривожланиш фақат у ёки бошқа аниқ фаолият жараёнида амалга ошади. Бу инсоннинг аниқ фаолиятисиз қобилият мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ҳар қандай қобилиятни зарурият билан талаб қиладиган, усиз амалга ошмайдиган фаолият жараёнида ривожланиб пайдо бўлади. Боланинг олдига унинг ёрдамисиз ечиладиган масалалар қўйиб қандайдир маълум қобилиятни ҳеч қачон тарбиялаб бўлмайди. Масалан, болада фақат ноталарни чалиши тузилмасида мақом ҳиссини тарбиялаб бўлмайди, чунки у ноталарни мақом ҳисисиз арифметик ҳисоб бўйича чалиши мумкин. Лекин, мақом ҳисси фаолият турлари жараёнида ҳар қандай ашула ёки кўрсатувнинг қўйилган

мусиқасини мақом ҳаракатини қайта-қайта такрорлагандагина секин-аста ривожланади, чунки бу масалаларни мақом ҳисси асосидагина ечиб бўлади.

Яхши қобилиятларнинг кўрсаткичлардан бири деб эрта намоён бўлган қобилиятни тан олинади, бироқ, лекин эрта намоён бўлган қобилиятнинг йўқлиги қайсидир меъёрда заифлик кўрсаткичи ёки айниқса муносиб қобилиятни йўқ деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Биринчидан, эрта намоён бўлган қобилиятлар имкони нафақат боланинг истеъдодига боғлиқ, балки унинг ҳаётидаги биринчи йиллари ўтган тарбиявий шароитга ҳам боғлиқдир. Жуда эрта намоён бўлган ҳар қандай қобилиятлар кузатилаётган ҳамма ҳолатларда ҳам, бу қобилиятнинг ривожланишида ота-она ёки бошқа кимсаларнинг ўрни ёки тўғри (тартибли бўлмаса хам) ташвишлари, ёки, ҳеч бўлмаганда, болани мана шу қобилият ривожланиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланишига йўналтирадиган шароитнинг яратиб беришга ҳам боғлиқ. мавжуд. Бу шароитларнинг йўқлигида қобилият намоён бўла олмайди.

Иккинчидан, кўп болаларда қобилият илк бор фақат доимий шуғулланиш натижасида ривожлана бошлайди ва бу асло қобилиятнинг заифлигини кўрсатмайди, аксинча, баъзи болаларда мазкур соҳа бўйича мислсиз истеъдодга эга эканлиги кейинроқ намоён бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бола қобилиятини ҳар қандай ҳолатда тарбиялаб ўстиришда, аввал педагогик хулоса чиқармасдан туриб, салбий хулосага келиш мумкин эмас.

Ҳар бир талабага, унинг шахс хусусиятидан келиб чиқиб, унинг тарбиявий жараёнига бирор психологик ёки педагогик услубни қўллаш мураккаб жараёндир. Лекин бу давр талабидир.

Муайян такомиллашган педагогик ёки психологик услубни қидириб, уни мантиқий-назарий жиҳатдан тўлиқ англаб олиш ва амалиётга қўллашгача бўлган мураккаб жараёнга қараганда – жараённинг ўзини лойиҳалаштириш энг қулай ва самарадор услубдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки,

тарбиянинг ҳеч бир услубиётини – тарбияланувчиларга ҳеч қачон бир хилда қўллаб бўлмайди. Яъни ҳар бир талабага индивидуал ёндошиш керак.

Талабаларга йўналтирилган тарбия тизими ўқитувчидан тарбия услубиётларига алоҳида муносабат билан ёндошишни, услубиётни ҳамда мавжуд ҳолатни тўлиқ ўрганишни, жараёнга ижодий муҳитни олиб киришни тақозо этади. Бунга асосий сабаб:

- тарбия жараёнида тўлиқ муваффақиятга эришиш ёки муваффақиятсизлик таҳдидининг мавжудлиги;

- талаба тўқнашадиган ва баъан кўп йиллар давомида муваффақиятли ёки муваффақиятли курашадиган ҳаётий ҳолатлардан бири – бу фикрининг ўйлаганидек рўёбга чиқмаслигидир англаш;

- талабалар кўпинча ўзининг дунёқараши, тасаввурининг қандай даражада кенглигидан келиб чиқиб, фикрлайди ҳамда бу фикрлашни мавжудликнинг ижобий, ёки салбий ҳолатлари билан боғлаб таҳлил қила олмаслигидир.

Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва тарбиявий жараёнини шакллантиришда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши керак:

1. Тарбия жараёни максимал даражада технократик бўлиши керак. Бунинг учун эса психологик ҳамда педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш керак;

2. Тарбиявий жараёнга сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологиялани илмий асослаш ва ишлаб чиқиш лозим;

3. Тарбиявий жараёнининг дастлабки ҳолатда ижтимоий-психологик муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараённи мукаммал ишлаб чиқиш керак. Талаба шахсининг шаклланиш жараёнига – жамиятда қабул қилинган аҳлоқ нормалари, ҳулқ нормалари, маънавий-маърифий қадриятларни сингдириш технологияларини яратиш кўпгина жиҳатдан якуний натижани таъминлашга хизмат қилади.

5. Бошланғич жамоалашув ёки мослашув босқичи. Бунда талаба томонидан ижтимоий тажриба ўзлаштирилади, мослаштирилади ва қабул қилинади.

6. Индивидуаллашув босқичи. Бунда талабада ўзини бошқалардан ажратиш истаги, жамоат хулқ нормаларига нисбатан ижобий ҳамда танқидий фикрлаш пайдо бўлади.

7. Интеграцион босқич. Талаба жамиятда ўзи ўрнини топиш, жамият ҳаётига киришиш, атрофдагиларга ижобий томондан танилиш, фаолиятда ўзини ижобий тарафдан кўрсатиш ҳаракатига тушади, яъни шахс сифатида ўзини танитиш истаги биринчи ўринга чиқади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар шахснинг ҳаракатлари бирор ижтимоий гуруҳ ёки жамият томонидан қабул қилинса, интеграцион босқич мувоффақиятли ўтади. Мабодо бунинг акси бўлса, қуйидаги ҳолатлар келиб чиқади:

- талабада норозичилик кайфияти пайдо бўлиб, тушкунлик ҳолатига тушади;
- ўзи ҳаракатларини таҳлил қилиб, ўзини ўзгартиришга ҳаракат қилади;
- талаба ўзида ташкилотчилик, етакчилик, ўзини кўрсатиш каби ҳислатларни жиловлаб, мавжуд муҳитга мослашиш ҳаракатига тушади.

8. Ижтимоий фаолият босқичи. Бу босқич инсон балоғатга етган даврдан бошлаб, ҳаётининг оҳиригача давом этади. Шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш жараёни меҳнат босқичида ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланиб боради. Бунда меҳнат жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳит катта аҳамиятга эга.

Юқорида тарбиявий жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи барча омилларни қараб чиқдик. Табиийки, тарбия жараёнига бундай технологик ёндошув ўзига хос саволларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, технологик асосда олдий таълим муассасасида талабаларнинг тарбиявий жараёнини қандай ташкил этиш керак ? – деган савол юзага келиши

муқаррардир. Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

А)I-IV курс талабаларининг маълумотлар базасини яратиш. Маълумотлар базаси талаба шахсига тегишли барча маълумотларни қамраб олиши керак.

Б)ОТМ даги ижтимоий муҳитнинг аниқ таҳлилини амалга ошириш. Айнин муҳит қандай даражада эканлиги талаба тарбиясига, унинг шахсининг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Муҳит таҳлили қуйидаги кўринишда амалга оширилиши керак:

- мавжуд ижтимоий муҳитнинг асл ҳолатини аниқлаш;
- профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳитга муносабатини аниқлаш;
- талабаларнинг ижтимоий муҳитга, ОТМ раҳбарияти олиб бораётган фаолиятга муносабатини аниқлаш;
- талабалар орасидаги ижтимоий фикрни аниқлаш;
- юзага келаётган ва ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш.

В)Тарбиявий жараённинг аниқ режа ва дастурини ишлаб чиқиш. Муҳит таҳлили асосида мазкур режа ва дастурда 1-навбатда бажарилиши керак бўлган долзарб ишларни белгилаб олиш керак. Бунда қуйидагилар аниқ кўрсатилиши лозим:

- факультетлар амалга оширадиган тарбиявий ишлар;
- талабалар уйида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар;
- жамоат ташкилаотлари, турли жамғармалар ва ҳомий ташкилотлар билан амалга ошириладиган ишлар;
- ОТМ, факультетлар, кафедралар миқёсидаги тадбирлар;
- талабалар ўзини-ўзи бошқаруви амалга оширадиган ишлар;
- талабаларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ишлари;
- салбий оқимлар, зарарли ғояларга қарши кураш муҳитни шакллантириш.

Г)Тарбиявий жараённинг мониторингини яратиш. Амалга ошириладиган барча ишларнинг ягона мониторингини шакллантириш орқали, жараённи бевосита кузатиш имкони юзага келади. Бундан ташқари жараённинг боришини таҳлил қилиш мумкин.

Д)Талабаларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ва ОТМ да мафкурвий кураш муҳитини юзага келтириш. Жамият ҳаётига ва унинг ривожланишига таҳдид солувчи ҳар хил оқимлар, зарарли ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, ҳар хил ёт мафкурага қарши кураш муҳитини яратиш – олий таълим муассасаси олдидаги ўта долзарб вазифадир. Бу вазифаларни амалга оширишда жамият талабидан келиб чиқиб, психологик ва педагогик технологияларни жараёнга қўллаш лозим. Бундан ташқари қуйидаги ишларнинг сифатини таъминлаш лозим:

- талабалар билан индивидуал фаолият олиб бориш;
- тушинтирув ва тарғибот ишларида янги технологияларни қўллаш;
- ижтимоий ўзгаришлар моҳиятини талабалар онгига аниқ етказиш;
- аудиториядан ташқари тарбия ишларини такомиллаштириш;
- мустақил фикрлаш жараёнини ривожлантириш;
- талабаларнинг бўш вақтини мақсадли режалаштириш.

## ХУЛОСА

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахсни ривожлантиришга берилган жуда катта эътиборнинг боиси шундаки, фақат шахснинг камолоти унинг интеллектуал заковатигина жамият тараққиётинингомили бўла олади. Шахсдаги интеллектуал заковат эса яхши ташкил этилган таълим-тарбия жараёнидагина уйғониши, тараққий этиши ва шахс камолотини таъминлаш

мумкин. Ҳар бир педагог ўқувчиларнинг интеллектуал имконияларини максимал ишга солиш йўлини излаб топиши лозим. Ёшларимиз орасидан иқтидорли ва истеъдодлисини излаб топиш учун уларнинг умумий ўқиш ва ўзлаштириш жараёнига қараб баҳо беришни нотўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки боланинг аниқ бир касб-корга ёки мутахассисликка қизиқиши, маълум ижодиёт билан бандлиги барча ўқув жараёнини қамраб олаолмайди.

Ижтимоий муносабатлар жараёнида нутқ ривожланади. Чунки мана шу вазиятда бола саволлар беради, кузатади, мулоҳаза юритади. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни тушунишга, яхшини ёмондан ажратиб олишга ўз ҳаракатларини давр талабига мослаштиришга уринади. Ҳар бир ижтимоий жамиятда тарбиянинг мақсад ва вазифалари, ахлоқ меъёрлари, маданий бойликлар, жамият аъзоларининг диди, ахлоқий қарашлари, дунёқарашлари, эътиқодлари ўзгариб боради ва улар тарбия воситасида болалар онгига сингдирилиб борилади.

Бола шахсининг ривожланиши учун фаол кундалик фаолият зарур. Фаолият ёрдамидагина бола атроф-муҳит билан муносабатни ташкил этади, шу орқали унинг билиш қобилияти ривожланади, характер сифатлари такомиллашиб, камол топади.

Инсоннинг камол топиш жараёнини фақат ирсият, ижтимоий муҳит ва таълим-тарбияга боғлаб ўрганиш, талқин киши ҳам ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки ижтимоий тараққиётда шахснинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий муҳитда таълим-тарбияга шахснинг ўзи фаол иштирок этгандагина унинг туғма лаёқатини уйғотади, истеъдод, қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўз ишини севса, унинг шу соҳадаги истеъдоди тезроқ ва кучлироқ рўёбга чиқа бошлайди.

Қобилият ва истеъдоднинг рўёбга чиқишида инсоннинг муайян фаолиятига қизиқиши билан бир қаторда унинг ўз устида ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъдодли кишилар ўз истеъдодлари – иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариш учун ўз устларида тинмай ишлашлари, меҳнат

қилишлари шарт. Масалан, Алишер Навоий, Ибн Синоларнинг қунт билан, ҳатто кечалари ухламасдан китоб мутолаа қилганлари-ю, Амир Темурнинг ҳарбий санъатни эгаллаш борасидаги меҳнатлари фикримизнинг далилидир.

Етук сиймолар ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг ижодий фаолиятларидаги асосий нарса узлуксиз излана билиш, ойлаб, йиллаб ўз олдиларига қўйилган мақсад учун интилиш, курашиш, унга етиш йўлларини излашдан чарчамаслик мақсадга эришиш йўлидаги муҳим омилдир. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзининг педагогик фаолияти даврида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларнинг ўз олдига мақсад қўйиш ва уни рўёбга чиқариш, тинмай изланиш ва меҳнат қила олиш қобилиятларини, кучли ирода ва қатъий характерни тарбиялаб боришлари лозим.

Табиийки, ўқувчиларнинг ўз мақсадларига эришишлари учун таълим масканида олган билим, кўникма ва малакалари камлик қилади. Улар юксак мақсад йўлида ўз устиларида тинмай изланишлари, ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишлари лозим.

Бахтга қарши, мактаб ўқитувчилари орасида болалар тарбиясида муҳим ўрин тутувчи омиллар ва уларнинг аҳамиятини билмайдиган ёки ўқитувчилар ҳам учраб туради. Айрим ўқитувчилар яхши ўзлаштирмайдиган, ўқишдан орқада қолувчи ўқувчилардан қутулиш йўлларини ахтарадилар. Уларни синфда қолдириш ёки бошқа мактабга ўтказиш йўлларини қидирадилар ва бунга эришадилар ҳам. Бу каби чораларни қўллаш билан биз ўқувчилар тарбиясини ташкил этишда кўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Фанларда ўзлаштира олмаган ўқувчиларни қобилиятсиз дейиш хато, ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси – ҳар бир ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятини чуқур ўрганиш, унинг қизиқиши ва истакларини аниқлаш, уларни ҳисобга олган ҳолда педагогик чора-тадбирларни кўришдир. Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ҳамда иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади.

И.А.Каримов ташаббуси билан бевосита уларнинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий модели бир қанча ноёб, такрорланмас ўзига хос хусусиятларга эга.

У Ўзбекистонинг халқаро андозаларига замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айни пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб камолатга етган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Ислом Каримов томонидан ижтимоий онгга киритилган, давлатни, жамиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган тамомила янги тушунчадир. Таълим – тарбия эса шу кенг қамровли вазифанинг таркибий бир қисмидир. Таълим – тарбия кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳадир.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели, шу тариқа, фақат таълим – тарбиядангина иборат эмас, балки бир – бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз, бу - *шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг* узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир.

Чунки бизда қадимдан «маърифатли инсон» тушунчасига анча кенг маънони англатди. Унутмаслигимиз керакки, маърифат – халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий Шарқона қарашга кўра, маърифатлилик – фақат билим ва малака эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гўзал аҳлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз солиҳияли, комил инсон деганда айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради**.** Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш

миллий моделимизнинг бутун моҳияти миллий тарихимиз ва ҳаётимиз билан боғланиб кетган.

ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. Дастуримизнинг, моделимизнинг миллийлиги ҳам айнан шулардан иборатдир.

Яна бир, принципиал янги жиҳат шундан иборатки, кўпгина бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг барча юки давлатимиз зимммасидадир. Яъни мустақил ривожланишимизнинг илк йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ўтиш даврининг машҳур беш тамойилига асосан бу гал ҳам дастурни амалга оширишда бош ислоҳатчи сифатида давлатимизнинг ўзи катта маъсулиятни ўз зиммасига оляпти.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий моделимиз ўз илмий салоҳияти, аҳамияти чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан халқаро миқёсда тан олинди ва ўз ўрнини топди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзланган мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий – сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишига олиб келди, жамиятда янги шахс – комил инсонлар вужудга келади. Улар ҳаётга тамомила бошқача нигоҳ билан қарайдилар.

Менимча, бу жараёнда кадрлар тайёрлашнинг яқин истиқболдаги вазифалари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

**1)**мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётига, туб маънодаги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ишига демократия асосларини жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш, тафаккур ва баҳслашиш маданиятини ривожлантириш, шахснинг ички дунёсини бойитиш, яъни, янгича ижтимоий қадриятлар ва муносабатларни шакллантиришдир. Бошқача қилиб айтганда,

ёш авлодда янгича онг шаклланиши учун барча шарт – шароит яратилмоғи керак.

**2)** эркин тафаккур қила оладиган шахсни мустақиллик ва демократия ғояларига содиқ бўлган онгли фуқарони, ўз Ватанининг жонкуяри сифатида ижтимоий – сиёсий ҳаётга онгли иштирок этишга, ижтимиоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатишга, мамлакат тақдири учун зиммасига маъсулият ола олишга қодир шахсни камол топтириш учун зарур шарт – шароитлар яратиш лозим.

**Таълим жараёнида инсонпарварлаштириш** ва демократлаштиришни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга:

**Таълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг** асосий йўналишлари – ёш авлоднинг билим ва қобилиятларини ҳар тарафлама ўстириш, уларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, шахс, жамият ва борлиқ муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчи ва мураббий орасидаги масофани «Устоз ва шогирд» муносабатлари асосида шакллантириш.

**Таълимни инсонпарварлаштириш** – ёш авлодда бой эстетик ҳиссиёт, юксак маънавият, маданий ва ижодий тафаккурни шаклантириш ва ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашнинг устивор йўналишларини ўз ичига олган талим-тарбия дастурларини такомиллатиришни назарда тутилади. Бунда, ўқувчида мустақил шахсни тарбиялаш, унда билим олиш маданиятини шакллантириш, шахсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мустақил фикрлаш ҳамда шахсий ғурур, ишонч каби хислатларни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Фуқаролик жамияти қуриш таълим-тарбия жараёнига шахсда фуқаролик позицияси, миллий ғурур ва қадр – қиммат каби ҳислатларни тарбиялашдан иборат бўлган фуқаролик асосларини шакллантириш бўйича махсус тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши зарарулиги тақоза этилади. Фуқаролик шахсининг умумтаълим, касб-ҳунар маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий билим ва кўникмалари мажмуидан иборат бўлиб, шахсга демократик фуқаролик жамияти ҳаётида фаол ишитрок этиш, мустақил ва

танқидий фикрлаш, миллий ғурур ва қадр-қимматни шакллантириш ҳамда шахснинг мустақил ривожланиши учун имконият ва кафолатларни яратади.

Шахсда фуқаролик ҳиссини тарбиялаш, унда ахолқий ва интеллектуал кўникмаларни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Шу мақсадда, таълим тизимида фуқароликни шакллантириш бўйича махсус ўқув курслари ўзаро боғлиқликда тарихий манбалар,  тил, илм- фан асослари, фалсафани мамлакатнинг умуммаданияти ҳамда тарихий мероснинг таркибий қисмлари сифатида ўрганилишини назарда тутиш лозим.

## Адабиётлар рўйхати


1.И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тош.: “Шарқ”нашрёти,1997,42-бет.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида . .. Тошкент, 1997, 215-бет.

3.Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995. - 23 б.

4.Б.Зиёмухаммадов .Комилликка элтувчи китоб.“Турон-иқбол нашрёти”, Тошкент, 2006. 189-262бетлар

5.Ирагимов Х.И.Абдуллаева Ш.А.Педагогика.(ўқув қўлланма). Тошкент:”Фан” ,2004. 184-бет.

6.И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тош.: “Шарқ”нашрёти,1997,42-бет.

7.Ирагимов Х.И.Абдуллаева Ш.А.Педагогика.(ўқув қўлланма). Тошкент:”Фан” ,2004. 184-бет.

8.Давлетшин М.Г. ва бошқалар. қобилият ва унинг диагностикаси. - Т.:Ўқитувчи, 1997. -134 б.
9.Гуманистические идей отражены в психологической теории личности . МО России. - А.Н.Леонтьева и С.Л Рубинштейна,1981.
10.Э.Ғозиев. Пихология.(ўкув қўлланма) Т.:Ўқитувчи,1994.224 б.
11.Э.Ғозиев. Олий мактаб пихологияи. Т.Ўқитувчи,1997. 104 б.
12.Э.Ғозиев, Г.Тўлаганова. Педагогик психология асолари.(ўкув методик қўлланма) Т.:Униреритет, 1997. 80 б.
13. З.Т.Нишонова .Ижодий мустақил фикрни тарбиялашда ўқитувчининг ролини янада ошириш // Таълим ва тарбия. – 2001. -№1-2 . -Б. 40-42.
14. З.Т.Нишонова. Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.: Фан.- 2003.-114 б.

## Интеирнетдан фойдаланилган ахборотлар рўйхати

Истеъдод фонди Markaz xodimlarining maqolalari «**Intellektual salohiyat**» Markazi xodimlarining maqolalari Pardayev A.X. i...

11.01.2007 - 40 Kb - http://www.istedod.uz/?page&pid=33&submenu=38&lang... - Истеъдод фонди
1.4. **Intellektual salohiyat**, inson kapitalini oshirish borasidagi jahon va mahalliy tajribalarni qiyosiy...11.01.2007 - 10 Kb - http://www.istedod.uz/?page&submenu=35&pid=33&lang... - Восстановить текст - Найти похожие

- Истеъдод фонди ... O'zbekiston espublikasi Prezidentining «Iste'dod» jamg'armasi «**Intellektual salohiyat**» Markazi direktori o'rinbosari, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti va...

  11.01.2007 - 13 Kb - http://www.istedod.uz/?page&pid=33&submenu=40&lang... - Восстановить текст - Найти похожие

- Истеъдод фонди ... ilmiy kadrlarning malakasini oshirish «Iste'dod» jamg'armasi qoshidagi «**Intellektual salohiyat**» Markazi tomonidan vazirliklar, muassasalar,... 11.01.2007 - 11 Kb - http://www.istedod.uz/?page&pid=33&submenu=36&lang... - Восстановить текст - Найти похожие

2. Marifat - Kuch bilim va tafakkurda ...dod» jamg‘armasi qoshida 2005 yildan buyon «**Intellektual salohiyat**» markazi faoliyat ko‘rsatmoqda.

30.12.2006 - 32 Kb - http://www.marifat.uz/manaviyat/istedod_fenomeni.m... - Восстановить текст - Найти похожие **www.marifat.uz** (всего 2)

3. O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi :: Yangiliklar » » Ezgu niyatlar ijobati – Bugungi zamonda **intellektual salohiyat**, intellektual boylik hal qiluvchi kuchga aylandi,... 07.02.2007 - 34 Kb - http://www.mtrk.uz/uz/news/?newsid=349 - Восстановить текст - Найти похожие **www.mtrk.uz** (всего 8)
4. ---EcoNEWS---... tayyorlash uchun barcha shart - sharoitlar mavjud : ilmiy va **intellektual salohiyat** ham , shunday jihozlarga bo'lgan talab ham ,... 17.01.2007 - 26 Kb - http://econews.uznature.uz/econews/uzb/news/july.h... - Восстановить текст - Найти похожие **econews.uznature.uz**
5. »»»» qmii.uz » uzb »

   Tanlov shartlariga ko‘ra ishtirokchilar pazandalik, orastalik, **intellektual salohiyat**, ashula va raqs ijrochiligi bo‘yicha o‘... 11.01.2007 - 40 Kb - http://www.qmii.uz/uzb/NEWS/news.html - Восстановить текст - Найти похожие **www.qmii.uz** (всего 2)

6. / o'zbekiston ovozi / maqolalar... endi unda harbiy qudrat emas, balki **intellektual salohiyat**, aql-idrok, fikr,... 11.12.2006 - 21 Kb - http://www.uzbekistonovozi.uz/?part=publish&id=10&... - Восстановить текст - Найти похожие
7. Mafkuraviy muammolar: gяoyaviy boяshliq va zararli gяoyalarning jamiyatimizga ta'siri ... - yurtimizning geopolitik nuqtai nazardan gяoyat qulay hududda joylashgani, **intellektual salohiyat** va tabiiy zahiralarga boyligidir. 23.04.2003 - 9 Kb - http://zamin.freenet.uz/mig/3_4.htm - Восстановить текст - Найти похожие
8. **[PDF]** el.tfi.uz/pdf/myuhbda_uzl.pdf Aql idrok va tafakkur, bilim va **intellektual salohiyat**, ma naviyat va ma rifat …23.11.2006 - 2 Mb - http://el.tfi.uz/pdf/myuhbda_uzl.pdf - Восстановить текст - Найти похожие **el.tfi.uz** (всего 3)
9. Mahalla gazetasi ... kelajakda harbiy sohada ishlayman, degan fuqarodan aqliy **salohiyat**, ma’naviy yetuklik, **intellektual** saviya talab etilayapti. 26.01.2007 - 14 Kb - http://www.mahalla.uz/uzbl/tahlil_va_mulohaza/harb... - Восстановить текст - Найти похожие
10. Muqimiy nomidagi Qo'qon Davlat Pedagogika Instituti Web saytiga xush kelibsiz! ... yuqori malakali ilmiy-pedagogik kadrlarni maqsadli tayyorlash orqali ilmiy **salohiyat** ko’rsatkichini talab darajasiga ko’tarish bo’... Institutda «Tafakkur», «Zakovat» **intellektual** klublari muntazam faoliyat ktsrsatmoqda. 23.12.2006 - 43 Kb - http://www.qdpi.uz/Index/uz_qdpi_ta%27lim.html - Восстановить текст - Найти похожие
11. Gov.uz – Kursantlar bilan uchrashuv ... o‘quv dargohlaridan biri hisoblangan mazkur bilim yurti katta **salohiyat**, moddiy texnik-o‘quv

bazasiga va malakali... ... to‘g‘ri qarorlar qabul qila oladigan, **intellektual** salohiyati yuksak, xalqimizga va milliy istiqlol g‘oyalariga... 17.01.2007 - 15 Kb - http://www.gov.uz/uz/content.scm?contentId=25260 - Восстановить текст - Найти похожие **www.gov.uz** (всего 2)

12. .:: Yosh kuch ::. 9 Soni ... ortiga yashiringan kuch-qudrat, jur’at va **salohiyat** bizni hayratga soldi.

    03.11.2006 - 14 Kb - http://www.yoshkuch.uz/9/14.html - Восстановить текст - Найти похожие

13. Samarqand Qishloq Xo'jalik Instituti Fakultetda istiqbolli ilmiy **salohiyat** faoliyat ko’rsatib, jamoa ilm ahli «Respublikamizda... 24.01.2007 - 13 Kb - http://samai.uzpak.uz/fakultetlar/vetfak.htm - Восстановить текст - Найти похожие
14. Gazeta.uz ... madaniyat, sayyohlik sohalarida hamkorlik uchun katta **salohiyat** mavjud. Bu yo'nalishlardagi aloqalarni faollashtirish uchun ikki mamlakat o'rtasida... 04.01.2007 - 35 Kb - http://www.gzt.uz/uzbl/siyosat/islom_karimov_shht_... - Восстановить текст - Найти похожие

Илова

**Талабаларни маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан етук қилиб тарбиялашда таълим муассасалари, оила жамоат ташкилотларининг бурчларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўйича**

**Т А В С И Я Л А Р**

| Олий ўқув юртларидаги гуруҳ сардор (староста) ларининг вазифалари | Маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан муовинлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича кафедра мудирларининг вазифалари | "Маънавият ва Маърифат"марказ (бўлим) ларининг вазифалари | Оила ва жамоат ташкилотларининг вазифалари | Олий ўқув юртларидаги биринчи проректорларнинг вазифалари |
|---|---|---|---|---|
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. Гуруҳ сардорлари ўз гуруҳларида етакчи бўлиб хизмат қилиши керак. У ўқувчи ва талабаларнинг бутун муаммолари,ҳоҳиш истакларидан бевосита хабардор бўлиши зарур. Гуруҳ сардорлари талабаларининг оилавий шароити, келиб чиқиши, бўш вақтида нималар билан шуғулланиши, нималарга қизиқишини яхши билиш керак.<br>2. Сафдошларини қизиқтирадиган масалалар ва | 1"Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича декан муовинлари ҳар бир гуруҳ сардоридан ойма-ой ҳисобот олиб туриши, ёшлар муаммосига яқиндан ёрдам бериб туриши керак.<br>2. Улар ижтимоий - гуманитар кафедра ўғитувчилари билан мунтазам алоқада бўлиб маънавий-марифий тадбирлар (мас: президент асарларининг мазмун ва моҳиятини англаб етиш; буюк алломаларимизнинг | 1 Ўар бир ташкил этилган "Маънавият ва Маърифат" марказлари ўзининг қонуний Низомини ишлаб чиқиши лозим. Шу низом асосида олий ўқув юрти бўйича тадбирлар ва тарбиявий ишлар режасини тузиб олмоғи даркор.<br>2. Ушбу марказ ходимлари ички матбуотни ташкил қилиши лозим: радио, телевидение, редколлегия аъзоларини тузиш улар билан мунтазам иш олиб бориш, олий ўқув юртининг газетасида | 1 Ота-оналар билан йиғилишларда оиланинг асосий вазифалари ҳағида энг керакли тушунчалар бериши керак бўлади.Оила инсон ҳаётининг бош мезони ҳисобланади. Оилани асосан ота-она бошқаради. Ота-она ўз фарзандининг аввало бўш вақтини қандай ўтказаётганлиги билан унинг қизиқиши сиёсий билими, диний қарашлари қандай эканлиги, мустақил оила | 1 ОТМ 1-проректор-лари энг авволо ўзи фаолият кўрсатаётган ҳар бир талаба ва ўқитувчи тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши керак. Уларнинг "Маънавият ва Маърифат" бўйича декан ўринбосарлари ҳамда "Маънавият" марказидан ойма-ой ҳисобот олиши, уларга яқиндан ёрдам бериши, уларни мунтазам назорат қилиши керак. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| муаммолардан бевосита хабардор бўлиши, ёшлар муаммосини ҳал ғилиш борасида яхши таянчга эга бўлиши керак<br>3. Гуруҳ сардорларининг ҳар ойнинг бир кунида белгиланган йиғилишига иштирок этиши, гуруҳ ектакчилари билан ўтказиладиган тадбирларни олдиндан пухта режалаштириши лозим.<br>4.Ўтказиладиган тадбирлар асосан ёшларни маънавият ва маърифатга ундаш руҳида бўлиб у сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий масалаларга ўғув юртини ютуқлари ва муаммоларига бағишланган бўлиши керак. Ахборот, хабарнома тариқасидаги характердаги учрашувларни ҳам ташкил этиб, мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий ютуқларидан хабардор бўлиб бориши, | таваллудига бағишланган кечалар ўтказиш; ОТМдаги умумий тадбирларга қатнашиш; ҳар хил муаммоли мавзулар бўйича баҳс, давра суҳбати ўтказиш; факультетнинг деворий кўгазмаларини ташкил этиш)  ўтказиб туришлари керак. Декан муовинлари ҳар бир гуруҳга раҳбарлик билан ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб бормоғи керак.<br>3. Ижтимоий- гуманитар фанлар кафедраларнинг бир ўғитувчиси, "Маънавият ва Маърифат"  маказлари шу билан мунтазам алоқада бўлиб бориш керак Ўшларнинг саводхонлигига, нотиғлигига, сиёсий билим ва кўникмаларига доимо эътибор бериб бориши ва дарсдан ташғари тадбирлар (мас: Тафаккур гуманитар: ҳаваскор политолог, нотиғлик санъати; мушоира каби) ўтказиб туришга маъсул шахс бўлиб хизмат қилмоғи лозим. | янгиликларни хабарнома сифатида бериб боришни ташкил қилиш керак. Шунингдек, марказ ходимлари гуруҳ мураббийлари билан ҳарбий ватанпарварлик бўлими, хотин-қизлар кенгаши, ота-оналар комитети, вилоят ва республика миқёсидаги турли жамқармалар билан ўзаро алоқада бўлиб биргаликда иш олиб бориши керак.<br>3. Марказ ҳуқуқий тарбияни амалга оширишни ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мағсадида ҳуқуқ-идоралари билан ҳамкорликда ишлаш; ёшлар табияси масалаларига оид илмий услубий ва амалий адабиётлар, қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этишни йўлга қўйиш; талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, ўқув юртининг спорт-соғломлаштириш, маиший | қуришга тайёргарлиги, фарзандлик бурчларини адо этишга тайёрлиги билан машқул бўлмоқи лозим.<br>2. Ўшларнинг комил инсон бўлиб етишишида оила аъзоларининг роли катта эканлигини оила бошғарувчилар этиборида тутишлари керак. Миллий урф-одатларимизни сингдириш, инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксевар этиб тарбиялашни оила бошлиқлари оиладан бошлаб ўргатишлари керак бўлади.<br>3. Ўшларни кенг жамоатчилик билан иш юритишга ўргатишда маҳалла куй билан, қўни-қўшни ва турли хил ёшлар ташкилоти муҳим роль ўйнайди.<br>Жамоат ташкилотларининг асосий вазифани ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик | 2. Биринчи проректор қуйидаги бўлимларга раҳбарлик қилиши керак -"Маънавият ва маърифат марказига:<br>- факультетлараро ижтимоий-гуманитар кафедралар, декан муовинлари,<br>-ҳарбий ва тиббий тайёргарлик кафедралари<br>-фуқоролик мудофааси бўлиши ва жисмоний тарбия кафедраси:<br>-Маданият саройи (клуби) иш фаолияти:<br>-талабалар ўйи (ётоқхоналари мажмуаси кўп нусхали газета,радио, телеведения ишлари;<br>-жамоат комиссияси.<br>Улар ёшларнинг "Камолот" жамғармаси, Касаба уюшмаси, "Соғлом авлод учун," Экасон жамғармалари бошланғич ташкилотлари, Хотин-қизлар, мураббийлар, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| сафдошларини хабардор қилиши лозим. Бундай учрашувлар очиқ демакратик ошкоралик руҳида ўтказилса, улар ўзаро фикр алмашинишса, мамлакатимизнинг одил сиёсатининг моҳият ва мақсадлари ёшларимиз онгига етиб боради ва уларда ватанга муҳаббат туйғуси уйғонади. | | хизмат, овқатланиш, дам олиш маданий ҳордиқ чиғариш тизимларининг сифатли ишлашини назорат қилиш; ўқув юрти ётоқхоналарининг шароитини унда яшаётган талабаларнинг талабаларига ҳар томонлама жавоб бериш шарт-шариотларини доимо назоратга олиш ишлари билан шуғулланмоғи керак | масъулиятини, ота-она қўни-қўшни, маҳалла куй эл юрт олдидаги бурч туйғусини тарбиялаш, ўз халқига, ватанига садоқатли бўлиш уларга беминнат хизмат қилишга ўргатишдир. | талабалар кенгашлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг маънавий-маърифий масалалар билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб бориши керак. |